VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

30 (462) ● 2017 йил 26 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ХВЖ МИССИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ЯКУНИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

2017 йил 17-24 июль кунлари Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Альберт Егер раҳбарлигидаги миссияси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ва расмий органлар ишлаб чиққан ислоҳотлар режасини муҳокама қилиш учун Тошкентда бўлди. Миссия ташриф якуни бўйича қуйидаги баёнотни берди:

"Миссия расмий органларнинг Президент Шавкат Мирзиёев тасдиқлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланган иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир комплекс режаларини маъқуллайди. Ушбу режаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши иқтисодиётнинг сифатли иш ўринлари ташкил қилиш ва барқарор ўсишни таъминлаш қобилиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Миссия расмий органларнинг валюта тизимини биринчи галда ислоҳ қилиш бўйича режасини ҳам тўла қўллаб-қувватлайди.

Бозор тамойиллари асосида валюта курсларини унификация қилиш ва валюта ресурсларини тақсимлаш учун имконият яратиш Ўзбекистон Марказий банкига барқарорликни сақлашга йўналтирилган ва инфляцияни самарали назорат қилишга қодир пул-кредит сиёсатига ўтиш имконини беради. Мазкур ислоҳотлар ташқи рақобатбардошликни ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ички ресурсларни тақсимлашни такомиллаштириш ҳисобидан иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ривожланишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг салмоқли валюта захираси мазкур ислоҳотларни ишончли амалга ошириш имконини беради.

Валюта тизимини ислоҳ қилиш баробарида давлат корхоналари ва давлат томонидан назорат қилинадиган банкларни таркибий қайта кўриб чиқиш, халқаро савдо ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган бошқа омилларни бартараф этиш, шунингдек, компаниялар, айниқса, иш ўринлари яратиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг харажатларини асоссиз ошираётган қонунлар, қарорлар ва тартибларни такомиллаштириш зарур.

ХВЖ расмий органлар ишлаб чиққан ислоҳотлар режасини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча техник кўмаклашиш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар беришга тайёр.

Ислоҳотларни пул ва кредитлар ҳажмининг тез ўсиши билан боғлиқ инфляция босими шароитида амалга оширишга тўғри келади. Шундай қилиб, миссия Ўзбекистон Марказий банки яқинда қабул қилган пул-кредит сиёсатини, жумладан, қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш ҳисобидан қатъийлаштириш чораларини ижобий баҳолайди.

Банк тизимида етарлича буфер захиралари сақланиб қолаётган бўлса-да, ликвидлик билан боғлиқ мураккабликлар юзага келиши мумкинлиги ва кредитлар ликвидлигига таъсир кўрсатадиган жараён ташвиш уйғотади. Шу муносабат билан расмий органлар давлат назоратидаги банкларни қайта капиталлаштириш бўйича огоҳлантирувчи чораларни кўрди, ликвидлик меъёрларини оширди, Ўзбекистон Марказий банки қўллаётган ликвидликни тақдим этиш ва банклар муаммоларини тартибга солиш принципларини қайта кўриб чиқди ва унга мослаштирди.

2017 йил бошидан солиқ-бюджет сиёсати эҳтиёткорлик билан амалга оширилмоқда ва жорий прогнозларга кўра, умумлаштирилган давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Валюта курси ва пул-кредит сиёсатининг янги тартиби мувофиқлигини таъминлаш учун 2018 йилда ҳам солиқ-бюджет сиёсати қатъий давом эттирилиши керак.

Миссия расмий органларнинг иқтисодий статистика сифати ва очиқлигини ошириш борасидаги қатъий мўлжалини ижобий баҳолади. Улар томонидан инфляция суръатларини аниқлаш учун янги истеъмол нархлари индексидан фойдаланиш бўйича қабул қилинган қарорлар 2018 йилдан бошлаб ушбу асосий статистика кўрсаткичи сифатини ошириш имконини бериши лозим. Миссия Ўзбекистон расмий органларининг ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш бўйича кенгайтирилган умумий тизимига қўшилиш режасини маъқуллайди.

ХВЖ келишувлар моддаларининг IV моддаси доирасидаги кейинги маслаҳатлашувларни шу йилнинг кузида ўтказиш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларига самимий меҳмондўстлик ва амалий музокаралар учун миннатдорлик изҳор этади".

Юзма-юз

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, бугунги глобаллашув даврида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кўпайиб, уларнинг таъсири ёшлар ҳаётида жиддий муаммолар келтириб чиқараётган бир паллада муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Президентимиз ҳар бир учрашув, анжуман ва йиғилишда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш, улар қалбига қулоқ солиш, дардини тинглаш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлашда янада масъулиятли бўлиш зарурлигини таъкидлаб келаётир.

УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИ — МУҲИМ ВАЗИФА

Хусусан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳам сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган "Ёшлар қаноти"нинг фаолиятини танқидий баҳолаб, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондиришда ташаббус ва амалий ишлар камлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятининг туман ва шаҳарларида айни шу йўналишда ўрганишлар олиб борди. Унда ёшларни баркамол этиб вояга етказишдаги муаммо ва таҳдидлар, шунингдек, уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишларни самарали ташкил этиш механизмлари, ёшлар сиёсати ва маънавий ривожлантириш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларида белгиланган устувор вазифалар бўйича фикрлашилди. Жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий кўмак берилди.

➜ 2

Миллий гурур

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

...Шамшод халқаро танлов ўтаётган саҳна ортида ўз навбатини кутиб турар экан, ҳаяжонини енгиш учун уни умид билан кузатган ота-онасини, устози, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан ўтказган тинимсиз машғулотларини кўз олдига келтирди. Устозининг санъаткор ўз созига меҳр қўйса, унинг тилини тушуна олсагина ўз мақсадига эришади, деган сўзлари қулоғи остида жаранглагандек бўлди. Саҳнага чиқиб қўлига гижжакни оларкан, юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишга ва устози, юртдошлари ишончини оқлашни дилига тугди...

Санъат — инсон қалбида эзгу фазилатларни камол топтиришда муҳим восита. Миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни беқиёс.

➜ 6-бет

Бугуннинг гапи

ЎЗБЕК ЧИННИСИНИНГ ШУҲРАТИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИМИ?

Тарихий манбаларга асосан илк чинни идишлар IV-VI асрларда Хитойда пайдо бўлган. Хитойни қадимда аждодларимиз Чин деб атагани ҳақида маълумотлар бор. Ўзбекча чинни сўзи ҳам ана шундан келиб чиққан, дейилади манбаларда. Юртимизда чинни буюмлар узоқ вақт қўл билан тайёрланган бўлса-да, бугун Самарқанддаги "Асл Нафис", Фарғонадаги "Қувасой чинниси" заводларида чинни маҳсулотлари саноат усулида ишлаб чиқарилмоқда.

Аммо бир пайтлар "Оқ олтин", "Тонг", "Узум", "Товус" каби чинни буюм тўпламлари билан халқаро кўргазмаларда муносиб иштирок этган ва тақдирланган бу корхоналар маҳсулоти бугун нега харидоргир эмас? Нега бу соҳада айтарли янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермаяпти? Хомашёнинг катта қисми Ангрендаги "Каолин" заводида тайёрланаётган бўлса-да, нимага соҳада сезиларли олға силжиш ва ўсиш кузатилмаяпти? Ўзбек чинниси бугун дунё бозоридаги рақобатга қай даражада бардошли? Мақоламизда ана шундай саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

➜ 5

Ташаббус натижа берди

Ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом вояга етказиш ҳамиша давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Бу жараёнда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

СЕССИЯДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БИРОҚ У ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Бир сўз билан айттанда, болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

Бу борадаги ишлар бугун изчил давом эттирилмоқда. Бироқ айрим ҳудудларда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратилмагани, спорт мактаблари ёки таълим муассасалари спорт залларининг аҳволи мутлақо талаб даражасида эмаслиги ҳам ҳақиқат. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлари партиянинг сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклаш, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш борасидаги устувор вазифалар ижроси юзасидан юртимизнинг турли ҳудудларида мазкур йўналишдаги ишларни атрофлича ўрганмоқда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўраётир.

➜ 4

Ушбу сонда:

ЎЛАН АЙТСАНГ, ЖЎШИБ АЙТ...

5-бет

ЕТТИ ИҚЛИМГА МАШҲУР

ҚОВУН НАВЛАРИНИ ТИКЛАШ БОРАСИДА УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА

6-бет

"ТОШ ЎРМОН"

7-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

Юзма-юз

УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИ — МУҲИМ ВАЗИФА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Президентимиз билдирган асосли танқидий фикрларни таҳлил қилиш асосида бу борадаги ишларимизни ҳақиқатдан ҳам юқори босқичга кўтаришимиз, янги

ташаббуслар билан чиқишимиз, мавжуд ваколат ва имкониятларимиздан самарали фойдаланишимиз зарурлигини англадик, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Ҳолбуки, партия сайловолди Платформасида ёшларимизни "оммавий маданият" таъсиридан асраш, улар бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал қилиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, айниқса, уюшмаган ёшлар билан кўпроқ ишлашимиз, уларни ўз мафкурамиз, ғоямизга, энг аввало, биз оғдиришимиз керак.

ЎзМТДП уюшмаган ёшлар билан тизимли ишлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Янги лойиҳа ва танловлар орқали уюшмаган ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни касб-ҳунарга жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Партия етакчиси уюшмаган ёшлар билан мулоқот қилиш мақсадида Чуст туманидаги "Ҳисорак" маҳалла фуқаролар йиғинига борди. Мазкур маҳаллада бугунги кунда 30 ёшгача бўлганлар 2 минг 113 нафарни, ёш оилалар сони 47 тани ташкил этади. Сарвар Отамуратов уларнинг ижтимоий аҳволи билан яқиндан танишди, муаммо ва масалаларни ўрганди, нималар ташвишга солаётганлигига эътибор қаратди.

Аниқланишича, ҳозирда ҳудудда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, болажонлар учун мактабгача таълим муассасасини барпо этиш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар сирасига киради. Партия раҳбари мазкур икки масалани ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли мутасадди идоралар раҳбарларига тавсиялар берди.

Маҳалладаги уюшмаган ёшлар, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан ишлаш, уларни фаол ҳаёт тарзига қайтариш, таълим олиш, касб ўрганишга жалб этиш, бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Умархўжаев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Сорахон Зайниддинова билан суҳбатлашди.

— Маҳалламизда ўнга яқин фуқаро экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолганди. Кейин улар адашганини тан олди ва давлатимиз авф этиб, жамиятнинг фаол аъзолари сафига қайтарилди, — деди маҳалла раиси Т.Умархўжаев. — Ҳозирда икки киши мактабга техник ходим вазифасига ишга жойланди. Уч кишига томорқа хўжалиги, чорвачилик ва китоб савдосини йўлга қўйиш мақсадида кредит ажратилди. Шунингдек, уюшмаган ёшлардан 18 нафарига 3 миллион сўмдан 7,5 миллион сўмгача бўлган кредит маблағлари берилди. Ўнга яқини ишга жойлаштирилди. Яна шунча ўқимай, ишсиз юрган ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Партия етакчиси бир пайтлар ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, кейинчалик хатосини англагани боис авф этилган Носиржон Рустамовнинг хонадонида бўлди.

— Мен адашганимни ҳис қилиб, хатоимни тан олдим — давлатимиз кечирди, — дейди "Ҳисорак" МФЙда яшовчи Н.Рустамов. — Ҳозирда шахсий томорқамда деҳқончилик қиляпман. Бўш вақтимда велосипед таъмирлаш билан шуғулланаман. Маҳалла ишларида фаол қатнашиб турибман.

Шундан сўнг С.Отамуратов ЎзМТДП Чуст туман кенгаши ташкил этган "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида уюшмаган ёшлар, яъни аниқ машғулотга эга бўлмаган йигит-қизлар ҳамда ёш тадбиркорлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг ҳар бирини ўйлантириб келаётган масала ва таклифларини тинглади.

Тумандаги Камарсада маҳалласида истиқомат қилувчи 30 ёшли ишбилармон Олимжон Мираҳмедов ўзининг қиймати 14,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, собиқ пахта тозалаш корхонаси негизида ташкил этилиши мўлжалланган ип-калава ишлаб чиқариш мажмуаси лойиҳаси билан таништирди. "Ўзбекпахтасаноат" акционерлик уюшмаси маъқуллаган мазкур лойиҳа молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланса, пахта толасидан йилига 5 минг тонна калава-ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Муҳими, бунинг натижасида 350 янги иш ўрни яратилади. Партия етакчиси ёш тадбиркорнинг бу изланиши эътиборга лойиқ экани, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланганини таъкидлади. Шу боис ушбу лойиҳа ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уни амалга оширишда парламент ва депутатлик сўрови юбориш орқали яқиндан кўмак берилишини билдирди.

Учрашувда Пансада маҳалласида истиқомат қилувчи 19 ёшли Ҳилола Аюбова 2015 йили Чуст туман тиббиёт коллежини тамомлагани, лекин ҳозиргача ишга кира олмаётгани юзасидан мурожаат қилди. Унинг мурожаати жойида ижобий ҳал этилди.

Яна бир қанча ёшлар тадбиркорлик соҳасида ўз бизнесини бошлаши учун банкдан кредит олиш масаласида ёрдам сўради. Партия раҳбари уларга бунинг учун, энг аввало, бизнес-режа ишлаб чиқиш лозимлиги ва бу борада партия яқиндан кўмак беришини таъкидлади. Истиқболли бизнес лойиҳа соҳибларига имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам берилишини айтди.

Шундан сўнг партия раҳбари ушбу туман ҳудудидаги аҳолига хусусий спорт-соғломлаштириш тиббий хизмат кўрсатувчи "Чуст тиббий диагностика маркази" ҳамда велосипед ишлаб чиқарувчи "Чуст омад" масъулияти чекланган жамияти иш фаолияти, у ерда ишчилар, хусусан, ёшлар учун яратилган шарт-шароит, хизмат кўрсатиш сифати билан ҳам яқиндан танишди.

* * *

Давлатимиз раҳбари шу йил 12 июлда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар фаоллигини ошириш бўйича белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва партия гуруҳлари аъзолари бугун жойларда ўтказаётган учрашув ва очиқ мулоқотларда ҳудудлар муаммоси, айниқса, уюшмаган ёшлар бандлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, партиянинг барча шаҳар ва туман ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳам хонадонларга кириб, уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар муаммоларини ўрганаётир. Жумладан, ЎзМТДП Элликқалъа туман кенгаши ходимлари ҳудуддаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда бўлди. Ўрганишлар натижасида аввал маҳалладаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг сони аниқланди, рўйхати тузилди. Уюшмаган ёш йигит-қизларнинг аксарияти уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги бепул ўқув курсларига жалб қилинди. Айни пайтда лойиҳа доирасидаги тикувчилик, сартарошлик ва соч турмаклаш каби тўгаракларда уларга касб-ҳунар ўргатиш бошлаб юборилди.

Учрашувлар асосида туманнинг Маҳтумқули кўчасида истиқомат қилувчи Тохир Айитбаев иш сўраб мурожаат қилди.

Унинг мурожаати ўрганилиб, тумандаги "Бўстон Мега текстиль" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойланди.

ЎзМТДП Тўрткўл туман кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Шуҳрат Эгамбердиев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Даврон Розибаев ҳам ушбу ҳудуддаги "Шўрахон" овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг турмуш тарзи билан қизиқди. Овулда яшовчи Шаҳло Йўлдошева, Тиллахон Султонбоева, Вазира ва Зиёда Абдуллаевалар касб ўрганиш истаги борлиги, лекин бунга имконият ва шароит йўқлигини айтди. ЎзМТДП Тўрткўл туман кенгаши ташаббуси билан бу фуқаролар ҳам ҳудудда ташкил этилган партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги бепул сартарошлик ўқув курсига қабул қилинди.

— Айниқса, бугунги глобаллашув даврида уюшмаган ёшларнинг бандлиги, уларнинг қизиқишларини ўрганиш долзарб масала саналади, — дейди Тўрткўл туман "Атаюрт" овул фуқаролар йиғини раисининг диний-ахлоқий, маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Бибигул Гаипбердиева. — Шу боис овулимиздаги ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган йигит-қизлар билан доимий мулоқот олиб боряпмиз, уларнинг муаммоларини ҳал этишга интиляпмиз. Бизга бу борада ЎзМТДП Тўрткўл туман кенгаши ҳамда депутатлар яқиндан кўмаклашмоқда. Масалан, халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Икром Ходжаев кўмаги билан овулимиздаги 11 нафар қиз тўқимачилик цехига ишга жойлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Даврон Розибаев ташаббуси билан "Шўрахон" ОФЙда яшовчи Улбосин Олтибаева, Иқбол Менглиева, Ойдин Болтабоева, Шукуржон Сапаров, Махлиё Қурбонбоева ва Ойдин Тўхтабоева ҳудуддаги "Лайло" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган бепул тикувчилик тўгарагига қатнай бошлади. Шунингдек, депутат ҳомийлигида тўгаракка иккита тикув машинаси олиб берилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ва янги иш ўринлари яратилиши учун имтиёзли кредит олинишида кўмаклашишга келишиб олинди.

ЎзМТДП барча шаҳар ва туман кенгашлари фаолларининг уюшмаган ёшлар билан учрашувлари ва уларнинг муаммоларини ўрганишларига доир мулоқотлари давом этмоқда.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Депутат минбари

ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУР

ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, устувор вазифалар белгиланмоқда. Чунки ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, салоҳияти фуқароларнинг жисмоний ва ақлий баркамоллигига, саломатлигига бевосита боғлиқ. Инсон саломатлиги нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

1996 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 2-бандида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, 3-бандида эса фуқаролар соғлиғини сақлашда профилактикага устувор аҳамият қаратиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасига оид бир қатор фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан зиёд қарори қабул қилинди. Сўнгги бир йил ичида Президентимиз соҳа мутасаддилари ва мутахассислари билан ўтказилган бир неча учрашувлар, видеоселектор йиғилишларида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга оид долзарб масалалар муҳокама этилди. Уларда белгилаб берилган вазифалар бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг 12 июль куни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларда парламентнинг ўрни ва роли талаб даражасида эмаслиги алоҳида қайд этилди. Президентимиз тиббиёт соҳаси мутасаддиларининг ахборотини Қонунчилик палатасида эмас, жойларга чиқиб, турли мутахассислар билан биргаликда ҳақиқий аҳволни аниқлаб, муаммоларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш юзасидан таклифлар билдириш лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, бу жараёнда фаол иштирок этиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, ушбу йўналишга доир таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташлаш — барчамиз, хусусан, депутатлар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Айтиш керакки, инсон саломатлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. Соғлом турмуш тарзига риоя қилган, тиббий маданияти юксак кишиларнинг умри узоқ, ўзи турли хасталикларидан йироқ бўлади. Буни Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари ҳам тасдиқлайди: унга кўра, соғлом турмуш кечириш ва узоқ умр кўришнинг 50-55 фоизи инсоннинг ҳаёт тарзига, 20 фоизи атроф-муҳитга, 20 фоизи ирсиятга ва атиги 8-10 фоизи тиббиётга боғлиқ экан. Демак, узоқ ва саломат яшашнинг асосий шарти — тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш.

Бугун аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, уларни спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, амалий ишлар изчиллик билан олиб борилаётир. Хусусан, таълим муассасаларида санитария-гигиена қоидаларига оид тушунчалар бериш, зарарли одатларнинг олдини олиш, ОИВ инфекцияси ва ундан ҳимояланиш, репродуктив саломатлик, ўсмирлик даврининг руҳият муаммолари, атроф-муҳитнинг саломатликка салбий таъсирини камайтириш юзасидан зарур кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ афсуски, ҳали бу борадаги ишларни талаб даражасида, дейиш мушкул. Чунки айрим ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзи тушунчасидан етарлича хабардор эмаслиги боис турли ноинфекцион касалликлар, унинг оғир асоратлари ва ногиронликни келтириб чиқариш ҳолатлари ҳамон учраётгани аччиқ ҳақиқат.

Шу ўринда тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи ўзи нима, деган ҳақли савол туғилади. Тиббий маданият бу — инсон ўз саломатлигини ўзи асраши, нафақат ўзининг, балки оила аъзоларининг ҳам саломатлигига масъулиятли бўлиш, турли хавфли касалликлардан сақланиш, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб камол топишида зарур бўлган меъёрий яшаш асосларини яратиш ва уларга амал қилишдир. Соддароқ қилиб айтганда, шахсий гигиена қоидаларини мукаммал ўзлаштириш, атроф-муҳит тозалигининг аҳамиятини англаш ва жамият саломатлигини сақлашга қаратилган ҳаракатлардан хабардор бўлиш демакдир.

Соғлом турмуш тарзи эса фаол меҳнат, кучли жисмоний ва руҳий ҳолат, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енга оладиган, етукликка интилувчан шахснинг шаклланиш жараёнидир. Яъни, инсон ёшлигидан яхши одат-кўникмаларга амал қилиши, зарарли одатлардан воз кечиши, рационал овқатланиши, спорт, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиши ҳамда дам олиш, иш тартибини тўғри ташкил қилиши, шунингдек, атроф-муҳитнинг яшаш учун хавфсиз ва қулай бўлишига эришиш соғлом турмуш тарзига риоя этиш ҳисобланади. Шунингдек, жинсий тарбия, соғлом оила кўникмаларига эга бўлиш ҳам жуда муҳим. Масалан, оиланинг никоҳдан бошланиши, тўй ва туғруқдан кейин "чилла даври" талабларига риоя қилиниши каби ҳолатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бунинг учун оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзининг асосий қоидаларидан хабардор бўлиши ва кўникмалар ҳосил қилиши керак.

Инсоннинг ўз саломатлигига қандай ёндашиши эса бевосита унинг саводхонлик даражасига боғлиқ. Тиббий маданияти юксак фуқаро ўз саломатлигини асрай билади, профилактика чораларини вақтида қўллайди, соғлом турмуш тарзини йўлга қўяди, вақтида касалликни аниқлашга, ўз-ўзига биринчи ёрдам кўрсатишга қодир бўлади. Бунда худди арзимасдек туюлган нарсалар ҳам муҳим ўрин тутишини ёддан чиқармаслик керак. Масалан, соғлом ва рационал овқатланиш масаласини олайлик. Инсон ҳар куни овқат билан бирга оқсил, ёғ, углевод, витамин ва минералларни кераклича қабул қилиши лозим. Улар организмнинг тўлиқ ишлаши, ривожланиши, соғлом бўлишида муҳим ўрин тутади. Овқат билан қабул қилинадиган озиқ моддаларининг тўғри балансига эришиш учун, биринчидан, хилма-хил озиқ-овқатларни истеъмол қилиш керак. Масалан, лимон С витаминига бой, лекин унда оқсил моддаси жуда кам. Айрим темир моддасига бой озуқаларда эса С витамини йўқ. Демоқчимизки, соғлом овқат рациони турли озуқа маҳсулотларидан ташкил топган, тегишли миқдорда бўлиши лозим. Шунингдек, доимий ҳаракатда бўлиш ва бадантарбияни унутмаслик мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳаракат организмда моддалар алмашинувини кучайтиради. Бунда ўртача оғирликдаги жисмоний ҳаракатга ҳар куни 30 дақиқадан сарфланиши керак. Агар жисмоний ҳаракат билан шуғулланишга ҳар куни имкон бўлмаса, ҳафтасига камида уч марта шуғулланиш зарур бўлади. Ҳаракатлар мунтазам бўлиши жуда муҳим.

Демак, соғлом турмуш тарзининг у ёки бу йўналишига риоя қилишимизга қараб, тиббий маданиятимиз қай даражада эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Чунки бу қоидаларга риоя қилиш учун улар ҳақида етарли маълумот, билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида профилактика ишларини янада кучайтириш учун амалга ошириладиган фаолиятни тизимлаштирувчи алоҳида дастур яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ушбу дастур жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишни такомиллаштириш, айниқса, давосиз ёки даволаниши қийин бўлган хасталикларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикасига оид тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоиз, бу дунёда ҳамма ҳам бахтли яшашни истайди. Бундай орзуга эришишнинг бош омили эса сиҳат-саломат бўлишдир. Соғлом инсон эса том маънода жамият бойлигидир. Чунки соғлом инсонда соғлом фикрлар, ғоялар туғилади. Ҳамонки, ҳар қайси жабҳада юксак марраларни забт этишни, юқори натижаларга эришишни кўзлаган эканмиз, миллат саломатлигини асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга жиддий эътибор беришимиз керак. Зотан, соғлом турмуш тарзи бахтли келажакнинг энг муҳим омилидир.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Партия қабулхоналарида

НАТИЖАЛАР ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС

Мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида одамларнинг дарду ташвишларини тинглаш, мурожаатларини қонуний ҳал қилиш, инсон манфаатларини амалда таъминлаш борасида яхлит тизим йўлга қўйилди. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили ҳаётимизга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари қошидаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими ҳам аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларни ўйлантираётган муаммо-масалаларни ижобий ҳал этиш билан шуғулланмоқда.

Буни ЎзМТДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятдаги партия ташкилотлари, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дарду-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, ҳар бир мурожаатни ўрганиб, уларга ечим топишга интилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари асос солган халқ билан мулоқот, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим, Халқ қабулхоналари институти давлат ва халқ ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш, жойлардаги турли муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишида муҳим ўрин тутади, — дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Ҳусанбой Дадабоев. — Президентимиз Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партияларнинг аҳоли билан мулоқоти ва унинг натижаларини танқидий таҳлил қилиб, бу борадаги ишлар етарли эмаслиги, кўпинча юзаки, хўжакўрсинга бўлиб, ҳаётдан анча узилиб қолганига эътибор қаратди. Партия ташкилотларимиз бундан тўғри хулоса чиқариши, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дард-ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганишга масъулият билан ёндашмоғи лозим. Аҳолидан келаётган ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиш, уларда кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва ҳар бир мурожаат замирида инсон манфаати, унинг орзу-мақсадлари турганини англаш — фаолиятимиз асосини ташкил этмоғи зарур. Тўғри, бу борада шу кунга қадар муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этмоқ жоиз. Партия вилоят ҳамда маҳаллий кенгашларимизга фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатларни эътибордан четда қолдирмай ижобий ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Депутатларимиз қўшимча ўрганиш ва вақт талаб этадиган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларнинг мутасадди раҳбарларига депутатлик сўрови юбормоқда. Бу халқимизнинг турмуш тарзи янада яхшиланишига, одамларнинг дунёқараши, онгу-шуури, ҳаётга муносабати ўзгариши, давлат идораларига ишончи ортишига хизмат қилади.

Партия Андижон вилоят кенгашига жорий йилнинг олти ойида жисмоний ва юридик шахслардан атиги 154 мурожаат келиб тушган ва уларнинг 70 фоизга яқини ҳал этилган, 46 масала юзасидан ҳуқуқий тавсия ва тушунчалар берилган. Бу, албатта, аҳолиси нисбатан энг кўп бўлган вилоятга хос фаолият ва натижа эмас.

ЎзМТДП Бўз туман кенгашида ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, партия туман кенгашига бўлган мурожаат асосида ташкилот саъй-ҳаракати билан "Маориф" маҳалла фуқаролари йиғинида яшовчи Маҳфузахон Юсупова тумандаги 1-умумтаълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси, Ҳасанбой Абдулқосимов ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимига компьютер оператори, "Гузар" МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро Дилнозахон Бўтабекова "Нуроний" жамғармасининг туман бўлимига мутахассис, "Пиллакор" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Юлдузхон Холдорова туман ободонлаштириш бошқармасига техник ходим бўлиб ишга жойлашди.

Аҳолидан келаётган ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиш, уларда кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва ҳар бир мурожаат замирида инсон манфаати, унинг орзу-мақсадлари турганини англаш — фаолиятимиз асосини ташкил этмоғи зарур.

— Банкдан беш миллион сўм истеъмол кредити олиш учун партия Асака туман кенгашига мурожаат қилдим, — дейди "Беруний" МФЙ ҳудудидаги Читтар кўчасида яшовчи фуқаро Муҳаббат Раҳимова. — Партия туман кенгаши кўмагида тумандаги "Асака банк" филиалига кредит олишда керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлаб топширдим, банк менга кредит ажратди. Партия ва банк хизмати ходимларидан миннатдорман.

Балиқчи тумани "Каттабулоқ" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Шуҳратбек Саидов тадбиркорлик билан шуғулланади. У "Микрокредитбанк" туман филиалидан тўлов терминали олиш масаласида амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП туман кенгашига мурожаат қилган. Партия туман кенгашининг кўмаги билан ушбу муаммо ўз вақтида ҳал этилди. Бу билан ҳам тадбиркорнинг мурожаати ижобий ечим топди, ҳам ҳудуд аҳолиси учун қулай шароит яратилди.

Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро Қудратбек Арзиқулов "Қишлоқ қурилиш банк" вилоят филиалига 2016 йил август ойида қўйган 63 миллион сўм омонат пулини олишда амалий ёрдам сўраб партия шаҳар кенгашига мурожаат қилди. Партия ташкилоти унинг мурожаатини ўрганиб чиқди ва уч кун муддат ичида фуқаронинг пули олиб берилди.

— "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Асака туман бўлимида қоровул бўлиб ишлайман, — дейди Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Истиқбол кўчасида яшовчи фуқаро Зафарбек Умаров. — Бир неча ойдан бери маошимни ололмаётган эдим. Шу боис партия Асака туман кенгашидан бу борада кўмак сўрадим. Мурожаатим қисқа фурсатда ижобий ҳал этилди. Одамларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил қилишда яқин кўмакчи бўлаётган халқ билан мулоқот тизимидан миннатдорман.

Партия Андижон вилоят кенгашига Андижон туман "Чем" МФЙ Янги Асака кўчасида яшовчи фуқаро Тожиддин Арипов маҳалладаги 200 га яқин хонадон номидан мурожаат қилиб, ичимлик суви ва электр таъминоти масаласида муаммо мавжудлиги, уни бартараф этишда амалий ёрдам сўраган. Партия вакиллари ушбу муаммони жойига бориб ўрганди. Шундан сўнг партия вилоят кенгаши ҳудудий электр тармоқлари ва "Сувоқава" давлат унитар корхонаси вакиллари ҳамда "Чем" МФЙ аҳолиси иштирокида мавжуд муаммолар юзасидан йиғилиш ўтказди. Натижада "Сувоқава" ДУК масъул ходимлари шу йилнинг учинчи чорак охиригача ушбу кўча тоза ичимлик суви билан, "Электр тармоқлари" ОАЖ мутахассислари эса 1 августга қадар ҳудудда электр тармоғи ўтказилишини маълум қилган.

Булоқбоши тумани Нефтпром шаҳарчаси Гулзор кўчасида яшовчи фуқаро Санжарбек Маҳраҳимов 2017 йил 5 июль куни ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашига соғлигини тиклашда даволаниш учун ордер олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Унинг мурожаати тезкор ўрганилиб, соҳа мутахассислари иштирокида муаммо бартараф этилди.

Мамлакатимиздаги бугунги ислоҳотлар ва янгиланишдан мақсад-муддао ягона: халқимизни ҳаётдан рози қилиш. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳларининг ҳам муносиб иштирокини таъминлаш давр талабидир.

Давра суҳбати

Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, жамият бутунлиги ва аҳиллигини кафолатловчи қўрғон, инсон ҳаётига тўкислик бағишловчи муқаддас маскан. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин, деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Бунинг оқибатида кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳияти издан чиқади, энг ёмони, носоғлом фарзанд дунёга келади.

ЭРТА ТУРМУШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ташкил этган "Биз эрта турмушга қаршимиз" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда партия фаоллари, соҳа мутахассислари эрта турмуш ва туғруқларнинг олдини олишда аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу масалада жамоатчилик назоратини кучайтириш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурлиги ҳамда эрта турмуш қуриш натижасида келиб чиқаётган салбий оқибатлар борасида кенг кўламли тушунтириш ва тарғибот олиб бориш масалаларига эътибор қаратди.

— Оила кодексида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш шартлиги белгилаб қўйилган. Бунинг замирида янги тузилаётган оиланинг ва келажакда туғиладиган фарзандларнинг соғлом бўлишини таъминлаш мақсади мужассам, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши девони етакчи мутахассиси Вилоят Шодиева. — Шу боис фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари ва соҳа мутахассислари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича зарур маълумотларни бермоқда.

Партия сайловолди Платформасида мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш каби устувор мақсад-вазифалар белгилаган. Шу боис унинг ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилаётган давра суҳбати, аҳоли билан мулоқотларда ёшларга эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги мавзуларида атрофлича тушунча берилмоқда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши барчамизга маълум. Хусусан, эрта ҳомиладорлик ва туғруқлар натижасида онанинг мактаб ёки коллежни битира олмасдан, маълумотга ва касбга эга бўлмай қолиш ҳолатлари учрамоқда. Ваҳоланки, янги оиланинг мустаҳкам бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, аввало, ёшларнинг жисмоний ва руҳий баркамоллиги, оилага тайёрлиги билан белгиланади.

— Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади, — деди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси Марвара Орифжонова. — Агар ҳомиладор аёл 20 ёшдан кичик бўлса, унда 30 фоизгача ҳомиланинг яхши ривожланмаслиги, чақалоқ вазни кичик бўлиши, туғилган фарзанд ўлими ҳолатларининг икки бараварга ошиши, ёш оналар орасида ўлим ҳолати уч бараварга ошиши кузатилади. Шу боис вилоятимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, тиббий маданиятни ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ушбу саъй-ҳаракатларга қарамай, репродуктив саломатлик талабларига зид равишда қизларни барвақт турмушга узатиш ҳоллари ҳамон кузатилмоқда.

Оила меҳр-муҳаббат ва ишонч асосида қурилиши керак. Оилавий ҳаётни, эр-хотин ҳамда ота-она зиммасидаги масъулиятни тўлиқ англаши оилавий бахтиёрлик, фаровонликнинг муҳим асосидир. Бундай фаровонликни таъминлаш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур: ёш йигит-қизларга эрта турмушнинг салбий оқибатлари, ўсмир қизларга барвақт ҳомиладорлик ва унинг асоратларини тушунтириш, ташвиқот ва тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, шунингдек, бу муаммоларни бартараф этиш, олдини олишда ота-оналар, маҳалла фаоллари ва соҳа мутахассислари масъулиятини ошириш лозим. Ёшларда эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш ўз самарасини беради. Бинобарин, оилани муқаддас билиб, уни асраш, келажак учун қайғуриш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Давра суҳбатида йиғилганлар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган барча саволларига мутахассислардан батафсил жавоблар олди.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Усмон АБДУРАСУЛОВ тайёрлади.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Жамиятнинг кенг қатламига партия гоя ва мақсадларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Зеро, улар электорат билан ҳамқадам, ҳамнафас ва елкама-елка туриб, одамларнинг ўй-фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларидан мунтазам хабардор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ана шу мезонлар асосида иш олиб боришга интилаётган аксарият қуйи бўғинлари бугун аҳоли орасида партиямиз нуфузини мустаҳкамлаш, хайрихоҳлар сафи кенгайишига ўз ҳиссасини қўшаётир.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Партия сайловолди Платформасининг иқтисодий йўналишида кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар белгиланган.

Сергели туманида жойлашган "Metal Tools" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаолияти айнан шундай вазифалар ижросига йўналтирилгани билан эътиборга молик. Ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, 30 нафар ёшни ўз атрофига бирлаштирган ушбу бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётир.

— Бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурди, — дейди "Metal Tools" МЧЖ корхонаси раҳбари Равшан Ғуломов. — Мамлакатимизда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Бундан биз ҳам унумли фойдаланмоқдамиз. Айни пайтда изланувчан ва ташаббускор, замон руҳини теран илғайдиган малакали ёш мутахассисларни партия сафига жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар келгусида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда уюшмаган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишда кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлашда айни муддао бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, замонавий халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган ушбу корхона фаолиятини давр талабига мос ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда бу ерда йилига 40 турдаги 5 минг нарвон ҳамда турли ўлчам ва шаклдаги импорт ўрнини босадиган 100 мингдан ортиқ қозон тайёрланади. Бу аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг учдан бир қисмини таъминлайди. Шу боис ички бозордаги талабдан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга ҳаракат қилинаётир.

— Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, кўп жиҳатдан унинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ, — дейди ЎзМТДП Сергели туман кенгаши етакчи мутахассиси Гулшода Бозорова. — Шу боис бугун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бевосита аҳолига, уларнинг ўй-ташвиши, хоҳиш-истакларига яқин бўлган бошланғич ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. "Metal Tools" МЧЖ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ана шундай мезонлар асосида ишлашга интилаётир.

"Metal Tools" МЧЖ қошидаги қуйи бўғин аъзолари партия туман кенгаши ташкил этадиган турли тадбир, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маънавиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган давра суҳбатлари ва мулоқотларда фаол иштирок этади. Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, ЎзМТДПнинг бу борадаги мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилишда партия туман кенгашига яқин кўмакчи.

Бугун инсон манфаатларини ишончли таъминлаш жараёнида фаол иштирок этиш ҳар бир партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланишини давр тақозо этмоқда. Бу сиёсий партияни фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлишга ундайди. Шу нуқтаи назардан "Metal Tools" МЧЖ қошида ташкил этилган қуйи бўғин ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзолар сафини кенгайтириш, аҳоли мурожаатларини ваколатли шахс ва ташкилотларга етказишда фаол ва ташаббускор бўлишга интилмоқда.

MILLIY TIKLANISH
30 (462) 2017 йил 26 июль, чоршанба

Истиқлол шукуҳи

"БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ"

БУ ТАМОЙИЛ ЎзМТДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ

Бугун халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамини кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Президентимизнинг шу йил 27 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори барчамизни бугунги фаровон, тинч ва обод кунларнинг қадрига етишга, турли соҳаларда эришилаётган ютуқларимизнинг янада зиёда бўлишига ҳисса қўшишга ундайди. Бу, шубҳасиз, бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш билан белгиланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Жолдасбай АБДУЖАМИЛОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллик халқимиз учун буюк ва бебаҳо неъмат, нурафшон кунларимизнинг мустаҳкам пойдевори. Унинг бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораверади. Истиқлолнинг беқиёс имкониятларини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз ва фаолиятимизда бевосита кўриб, ундан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиз 26 йиллик мустақил тараққиёт йилларида оғир, синовли йўлни босиб ўтди, ўзига хос ва мос йўлни танлади, обод, кўркам қиёфага кирди. Ўзбекистон ҳар соҳа ва йўналишда ўз имижига эга бўлиб бораётир. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлат қурилиши, мамлакатни модернизация қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга йўналтирилган туб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Мустақил мамлакат сифатида, аввало, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири — миллий парламентни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди. Зеро, парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмас.

Ўтган даврда миллий парламентимиз миллий-тарихий ўзига хослик билан умумжаҳон тамойилларини ўзида жамлаган ҳолда шаклланди, бир неча ривожланиш босқичини босиб ўтди. Икки палатали парламент тизимига ўтилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат парламент ўтган даврда қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида миллий давлатчилигимизни ривожлантириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланди. Сўнгги йилларда парламентнинг мамлакат ҳаётидаги мавқеи ва ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш жоиз. "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул

қилиниши унинг назорат функциясини, ваколатларини янада кенгайтирди, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини кучайтирди.

Миллий парламентимиз ривожи Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давом эттирилаётган изчил ислоҳотлар натижасида ўзининг янги босқичига кўтарилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2016 йил декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида, шунингдек, шу йил 12 июлда парламент палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида илгари сурган ғоялар, танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар, белгилаб берган устувор вазифалар миллий парламентимиз, биз депутатлар фаолиятида туб ўзгариш ва янгиланишларни бошлаб берди.

"Биз миллий парламентимиз тимсолида, аввало, жамиятимизнинг ҳақиқий кўзгусини, одамларни ўз ортидан эргаштириб, эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир бўлган катта бир кучни кўрамиз", деди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, парламент ўз фаолиятини бугунги давр талаби асосида такомиллаштириб бориши зарур. Шу боис Президентимиз Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини тубдан кучайтиришга оид қатор вазифаларни белгилаб берди. Миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши кераклигини таъкидлади. Парламент фаолиятига оид барча янгиланишлар эса "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" деган тамойил асосида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Феруза ИБРАГИМОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Инсон учун эркинлик, озодлик, тинчлик ва кўнгил хотиржамлиги энг олий неъматдир. Ана шу неъматларни бизга, бутун халқимизга мустақиллик инъом этди. Халқимиз қўлга кириттан буюк тарихий ютуқ — мустақилликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш, озод ва обод, инсон манфаати устувор Ватанда шукроналик билан яшаш, фидойилик кўрсатиб ишлаш ҳар биримизнинг кундалик аъмолимиз бўлмоғи лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани, "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётгани юртдошларимиз руҳияти, кайфиятини янада кўтармоқда. Бунга давлатимиз раҳбари таклифи билан парламент аъзоларининг ҳар ойда жойларда аҳоли билан юзма-юз учрашиб, ўрганишлар олиб бориш жараёнида бевосита гувоҳ бўляпмиз. Дарҳақиқат, жойлардаги муайян камчилик ва муаммоларга қарамай, ҳудудлар қиёфаси тубдан ўзгариб замонавий кўриниш касб этмоқда, одамларнинг яшаш шароити, ҳаёт даражаси юксалиб, имкониятлари кенгайиб бораётир. Энг муҳими, истиқлол шарофати билан одамларимизда, уларнинг онгу тафаккури, дунёқарашида, ҳаётга, меҳнатга муносабатида туб ўзгаришлар рўй бераётир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида олдимизда турган долзарб, ҳаётий масалаларни ҳал этишда, аҳоли фаровонлигини таъминлашда парламент аъзолари ҳамда депутатлар яқиндан кўмаклашиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, ўтган 26 йиллик фаолиятимизда эришган ютуқлар, марралар ўзимизники, халқимизники. Аммо янги давр эртани бугун ўйлаб яшаш лозимлигини тақозо этади. Юртимиз истиқболи, халқимизнинг эртанги куни, ёш авлод камолоти ҳақида бугун қайғуриш барчамизнинг вазифамиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш, олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиб, камчиликларни бартараф қилиш — бошлаган эзгу ишларимиз бардавомлигини, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаётимиз барқарорлигини таъминлайди. Шундай экан, бу жараёнда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам ўз ваколатларидан унумли фойдаланиши, фаолиятига самарали механизмларни жорий қилиши ҳамда фаол иштирок этиши лозим. Депутатлик позициямизни кучайтириб, ислоҳотлар изчиллигига ҳисса қўшиш энг муҳим вазифамиздир.

Ўктамбой РЎЗИМОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги бу йил барча ҳудудда ўзгача руҳ ва кайфият билан қарши олинмоқда. Хоразм вилоятида ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизни кўтаринкилик билан қарши олиш тадориги аллақачон бошлаб юборилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз кетганда, энг аввало, ҳудудларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Албатта, тараққиёт, юксалиш, ободлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайди. Вилоятдаги барча шаҳар ва қишлоқларнинг кўркамлашиб бораётгани, аҳоли турмуш даражасининг муттасил юксалаётгани, одамлар дунёқараши, руҳияти, онгу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим ва таъсирчан омилига айланмоқда.

Ўзим ҳам депутат, ҳам қурилиш ташкилоти раҳбари сифатида вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишга интиляпман. Хусусун, шу йилнинг ўзида Шовот туманининг Ўзбекистон қишлоғида намунавий лойиҳа асосида 27 та шинам уй-жой қуриб, фойдаланишга топшириш масъулиятини олганмиз. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шунингдек, фуқаролар мурожаати асосида Чўқли қишлоғида мактабгача таълим муассасаси учун янги бино қуриб битказилди.

Депутатлик фаолиятимизда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айниқса, барпо этилаётган уй-жойлар, энг аввало, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, уй-жойга эҳтиёжи юқори бўлган оилаларга берилиши устидан қатъий назорат ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, таълим муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, автомобиль йўлларини таъмирлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар юзасидан тегишли мутасаддиларга ўндан ортиқ депутатлик сўрови юборилди ва аксарияти ижобий ҳал этилди.

Шавкат НАРМАНОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар самарасида халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳаёт тарзи яхшиланмоқда. Айниқса, 26 йиллик мустақиллик даврида эришилган муваффақиятларни санаб, адоғига етиш қийин.

Бироқ бугунги давр эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, янада олға интилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан янги куч ва ғайрат билан ҳаракат қилишни тақозо этаётир. Бу жараёнда, айниқса, сиёсий партиялар ҳамда ундан сайланган депутатларнинг ўрни, фаоллиги ҳамда ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг шу йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги энг долзарб муаммолар атрофлича муҳокама этилиб, фаолиятимизда йўл қўйилган камчиликларимизни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб берилгани биз депутатлар зиммасига янги, залворли масъулият юклади. Негаки, агар ўтган даврдаги фаолиятимизни таҳлил қиладиган бўлсак, халқ вакили сифатида халқнинг дардига етарлича дармон бўла олмаганимиз, кўплаб муаммоларни ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз ойдинлашади.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи қонун, қарор ва фармонлар ижроси ҳамда фуқаролар мурожаати асосида 30 депутатлик сўрови юборди. Гуруҳимиз ташаббуси билан 10 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларига 6 таклиф олиб чиқилган бўлса, сессия муҳокамасига атиги битта масала киритилди. Мазкур рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишларимиз талай. Айниқса, вазирлик ва қўмиталарнинг жойлардаги бошқарма ҳамда бўлимлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатиш борасидаги ишларимиз бугунги кун талаби даражасида эмас. Шунинг учун ҳам эндиги фаолиятимизда ўтган даврда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, халқ манфаатларини таъминлаш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Байрам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда аҳоли билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларни қийнаётган масалалар билан яқиндан танишяпмиз. Мавжуд масалаларни ўз ваколатларимиздан самарали фойдаланган ҳолда бартараф этишга кўмаклашишга интиляпмиз. Мурожаатлар орасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун кредит олишга кўмаклашиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш каби масалалар ҳам бор. Ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор билан ёндашиб, уни тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Асосий мақсадимиз — халқнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиш. Бу борадаги ишларимиз энг азиз байрамга муносиб совға сифатида аҳоли учун қулай турмуш шароити яратиш, ҳудудлар қиёфасини обод қилишга хизмат қилади.

"Milliy tiklanish" мухбирлари
Муҳтарама КОМИЛОВА,
Аҳмад ЮСУПОВ ёзиб олди.

Ташаббус натижа берди

СЕССИЯДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БИРОҚ У ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСЛИГИ КЕРАК

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз сессия кун тартибига ҳудудда болалар спортини ривожлантириш ва ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш тўғрисидаги масалани олиб чиққани ҳам бунинг исботидир.

Сессияда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Сиддиқжон Тожиназаров маъруза қилди.

Таъкидланганидек, тумандаги 34-умумтаълим мактабида таълим олаётган бир ярим мингга яқин ўқувчиларни спортга жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, шу кунларда Шўҳай қишлоғида жойлашган "Ёшлик" болалар оромгоҳи, тумандаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўқувчилар таътилни мазмунли ўтказмоқда. Фурқат туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 800дан зиёд ўқувчи спортнинг турли йўналиши бўйича мунтазам шуғулланяпти, уларнинг 200 нафари қизлардан иборат.

— Ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда спорт мусобақалари муҳим ўрин тутади, — дейди депутат Сиддиқжон Тожиназаров. — Хусусан, шу йилнинг март-апрель ойларида ўтказилган бокс, қизлар ўртасида бадиий гимнастика мусобақаларида туман ёшлари ўз маҳоратини синовдан ўтказдилар. Қўл жанги бўйича мамлакат чемпионатида ғалаба қозонган олти спортчимиздан икки нафари Москвада ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш ва бронза медалига сазовор бўлди. Бугун юртимиз фахрига айланиб улгурган, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори Бектемир Меликўзиев ҳам бокснинг илк сирларини туманимизда эгаллаган. Умуман, сўнгги 10 йилда туманда болалар ва ўсмирлар спорти билан мунтазам шуғулланиш даражаси 22 фоиздан 45 фоизга, қизлар ўртасида эса 20 фоиздан 34 фоизга етди. Бироқ бу натижани талаб даражасида, дейиш қийин. Туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар талай. Масалан, оромгоҳларда ташкил этилган "Баркамол авлод" тўгараклари ёшларимизнинг 60 фоизини қамраб олган, холос. Ёки тумандаги аксарият спорт масканларида қизларнинг бадиий гимнастика, шарқ якка курашлари, енгил атлетика билан шуғулланиши учун зарур шароитлар йўқ. Айрим спорт залларида кийиниш хоналари мавжуд эмас, борларида жиҳозлар етишмайди. Мавжуд муаммолар, энг аввало, ЎзМТДП гуруҳи зиммасига улкан масъулият юклайди. Партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ана шундай масалаларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Сессияда ушбу масала қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, уюшмаган ёшларни спортга жалб этиш, улар орасида спортни оммалаштириш юзасидан қатор амалий таклифлар ўртага ташланди. Маҳаллаларда спорт майдончаларини ташкил этишни жадаллаштириш, бунда маҳалла фукаролар йиғинлари ва уларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари масъулиятини ошириш, маҳаллараро шахмат-шашка, сузиш, футбол, волейбол, кураш, бокс бўйича мусобақалар ташкил этиш, Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрами арафасида унинг якуний босқичини ўтказиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сессияда қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими мудири зиммасига умумтаълим муассасаларида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун қўшимча спорт тўгараклари очиш вазифаси юклатилди. Туман ҳокими ўринбосарлари туман ёшлари, айниқса, уюшмаган ёшларни спортга жалб этиш, улар иштирокида мусобақалар ташкил этиш, қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга доимий эътибор қаратиш, бу бўйича амалий таклифлар тайёрлаш зарурлиги белгиланди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса ойда бир марта маҳаллаларда спорт майдончалари ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот тақдим этиши лозимлиги қайд этилди.

Сессияда маҳаллаларда спорт майдончаларини ташкил этишни жадаллаштириш, бунда маҳалла фукаролар йиғинлари ва уларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари масъулиятини ошириш, маҳаллараро шахмат-шашка, сузиш, футбол, волейбол, кураш, бокс бўйича мусобақалар ташкил этиш, Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрами арафасида унинг юкуний босқичини ўтказиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Албатта, ушбу масаланинг туман Кенгаши сессиясида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилгани ЎзМТДП гуруҳининг фаоллиги ва ташаббускорлиги мевасидир. Аммо вазифа шу билан тугамайди. Яъни, қарор ижросини депутатлик назоратига олиш, эндиликда мазкур масканларда машғулотлар сифатини ошириш, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш, фарзандларимизни спорт масканларига кенг жалб қилиш устида тинмай изланиш лозим. Бу борада энг замонавий ва илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил ва амалиётга татбиқ этишда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиши давр талабидир.

Аҳмад МЕНГЛИМУРОД,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

ЎЗБЕК ЧИННИСИНИНГ ШУҲРАТИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИМИ?

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Бугун корхонамизда 400 киши меҳнат қилмоқда, маҳсулотларимизни ҳам ички бозор, ҳам ташқи, асосан, Марказий Осиё давлатларига экспорт қиляпмиз, — дейди "Асл Нафис" МЧЖ директори ўринбосари Шойим Ҳамдамов. — Очиқ айтиш керак: бугун чинниларимиз дизайни одамларнинг дидига мос келмаяпти. Чунки харидор диди ва истаги доим бир хил бўлмайди. Шу боис дизайн ва маҳсулот сифатини ўзгартириш устида иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, хомашёни қайта ишлашда керак бўладиган кимёвий воситаларнинг деярли барчаси чет элдан келтирилади. Агар мана шу маҳсулотларни чет давлатлардан олиб келишимизда тўланадиган давлат божлари учун имтиёз берилганида, ишимиз анча енгил кечарди.

Чинни буюмлари бугун нафақат саноат, балки ҳунармандлик шаклида ҳам тайёрланади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони ҳунармандлар учун қатор имтиёз ва енгилликлар яратиб берганини ҳақиқат. Бироқ ўтган даврда дунё бозоридаги ўзгаришлар, янгиланаётган талаблар бугун чиннисозларимиз олдига ҳам қатор муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Масалан, "Ҳунарманд" уюшмаси Наманган вилоят бошқармаси аъзоси, уста-ҳунарманд Тоҳир Убайдуллаевнинг айтишича, мамлакатимизда бу соҳа бўйича етук мутахассислар кам қолган. Қолаверса, фаолият ривожига тўсқинлик қиладиган бошқа муаммолар ҳам бор.

— Газ таъминотидаги узилишлар сабаб йил давомида бор-йўғи беш ой ишлай оламиз, қолган пайтда бошқа юмушлар билан шуғулланамиз. Шунинг учун ҳам кўп шогирдларим гулдек ҳунарини ташлаб, бошқа соҳага ўтиб кетган, — дейди Т.Убайдуллаев. — Бўёқларимизнинг деярли ҳаммаси Россия ва Хитойдан келтирилади. Агар мана шу хомашёлар ўзимиздан чиқиб, тизим фаолияти учун янада кўпроқ имконият ва қулайликлар яратиб берилса, ўйлайманки, чинни буюмларимиз билан ўзимизни таъминлабгина қолмай, уларни дунё бозорига ҳам экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Уста-ҳунарманд айтиб ўтган соҳа муаммоси фақат маълум бир ҳудудга хос эмас.

— Ўтган йили ҳунармандларимиз ўз маҳсулотларини бор йўғи дунёнинг икки давлатига экспорт қилган бўлса, бугун экспорт қилаётган мамлакатлар сони 18 тага етди, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси Фарғона вилоят бошқармаси Риштон туман бўлим бошлиғи Обиджон Раҳимов. — Бунинг, албатта, ўзига хос сабаби бор. Шу йилнинг 4 март куни туманимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзолари биз ҳунарманд ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Биз шу пайтгача сув, электр энергияси ва иш жараёнимизда асосий ўрин тутувчи иссиқлик энергияси, яъни газ билан узлуксиз таъминланмаган эдик. Ўша учрашувдан сўнг сув ва электр энергиясидаги муаммолар буткул бартараф этилиб, табиий газ борасидаги муаммолар ҳам ўз ечимини топиш арафасида турибди.

Энди савол туғилади: хўш, аслида ҳам вазият шундайми? Айбни фақат "чет эл хўрозқанди"га тўнкайвериш рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни эпломаган тадбиркорнинг аламзада гапига ўхшаб қолмаяптими?

Шу саволларга жавоб излаб халқ тилида "Абу Сахий" чинни бозори деб юритиладиган Зангиота туманидаги "Хўжалик моллари ва ҳунармандлар савдо комплекси" масъулияти чекланган жамияти томон йўл олдик. Бозордаги турли-туман чинни буюмлардан кўз қамашади. Харид илинжида борган киши қай бир маҳсулотни олишни билмай овора бўлиши аниқ. Улар орасида миллий маҳсулотларимиз ҳам бор. Пахта гулли, атлас ва адрас тасвири туширилган чинниларни узоқдан ҳам таниб олиш мумкин. Нархи ҳамёнбоп. Аммо негадир бозорда ҳамон хориж маҳсулотлари харидоргир.

Пахта гулли чойнак-пиёлалар ўзбек чиннисининг қиёфасини шакллантириб бергани бор гап. Ҳозирда бундай тасвирий ифода воситаларининг қўлами бироз кенгайгандек. Кейинги йиллар маҳсули бўлган қизил атлас-адрас тасвири туширилган чинни буюмлар ҳам эътиборни тортади. Бундай янгилик ва изланишларни давом эттириш, янгича дизайн кўринишларни ўйлаб топиш соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз. Мисол учун, халқимизнинг минг-минг йиллик хаттотлик санъати намуналарини чинни буюмларда акс эттириш, шонли тарихимиздан сўзлаб турувчи минора-ю обидаларимизга туширилган гўзал нақшларни чинни буюмларимизда ишлатиш нафақат чет эллик меҳмонлар, балки ўзимизда ҳам яхшигина қизиқиш уйғотиши табиий.

— Аслида миллий чинни буюмларимиз ҳам ёмон эмас, хорижникидан қолишмайди, аммо уларни тақдим этишни билмаймиз, — дейди тошкентлик уй бекаси Мўътабар Ражабова. — Чинни харид қилиш учун келганман. Бир пайтлар бизнинг сарполаримизга пахта гулли чойнак-пиёлалар қўйилган. Уларни ҳалигача ишлатиб келамиз. Аммо қизимнинг келинлик сарпосига чет эл чиннисини олишга мажбурман. Қудалар шундай талаб қўйишган. Яна бир жиҳати шуки, хориждан келтирилган чинни тўпламларининг нархи қиммат бўлса ҳам кўриниши чиройли, байрамона. Чунки улар ҳар бир кичик деталларигача эътибор беради. Ўзимизнинг чинниларнинг ҳатто оддий ёзув туширилган қутиси ҳам йўқ...

Бу харидорнинг гапида жон бор. У айтган жиҳатлар эҳтимол сифатдан кейинги иккинчи даражали нарсалар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо аксарият харидор маҳсулотнинг биринчи галда мана шу томонларига эътибор бериши аниқ.

— "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқ туширилган маҳсулотларни хурсандчилик билан харид қиламан, — дейди зангиоталик Дилноза Умарова. — Аммо баъзида мана шундай чинни буюмларимизни кўриб, ҳам хурсанд бўламан, ҳам ранжийман. Қаранг, шундай чиройли ишланган чинниларимизнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Бир ойча аввал ишхонамизга учта чойнак олгандик. Иккитаси ёрилиб кетиб, ходимамизнинг қўли куйиб қолишига бир баҳя қолди. Қолган биттасига чой дамлашга энди юрак бетламай турибди. Мана, бугун қиммат бўлса ҳам, чет элнинг чинни идишларидан харид қиляпмиз.

Энди хориждан келтирилган ва ўзимизда ишлаб чиқарилиб, хариди кўпроқ бўлган баъзи чинни буюмлар нархидаги тафовут билан қуйидаги жадвал асосида танишинг. Жадвалда бозорларимизни тўлдирган учта ҳудуд маҳсулотларининг нархи бир-бирига таққосланади (нархлар ўртача сўм ҳисобида, 2017 йил 10 июль ҳолати бўйича).

	Ҳудуд		
Маҳсулот номи	**Риштон**	**Тошкент**	**Хитой**
Лаган	3 600	7 500	16 000
Коса	1 200	3 400	13 000
Чойнак	4 000	8 500	25 000
Пиёла	700	2 200	4 000
Ликопча (писта-бодом учун)	3 000	6 500	25 000

Бозорда, бундан ташқари, Хитойдан келтирилган чиннилар тўпламининг турли хил кўринишларини учратиш мумкин. 30 буюмдан иборат тўпламнинг ўртача нархи 800 минг сўмни ташкил этади. 24 талик тўплами эса 480 минг сўм. Улар, албатта, чиройли безаклар билан ишланган қутига тартиб ва дид билан жойланган. Кейин ўзимизда ишлаб чиқарилган тўпламларнинг нархлари билан қизиқдик. 6 та пиёла, бир коса ва ликопча ҳамда чойнакдан иборат тўпламнинг нархи ўрта ҳисобда 110 минг сўм. Тўпламдаги идишлар сонининг ўсиб боришига қараб нарх ҳам 200-300 минг сўмга етади.

Энди ҳақли савол туғилади: хўш, шундай маҳсулотларни нега ўзимизда бежирим ва сифатли қилиб тайёрлаш, мижозга чиройли қадоқ ва қутиларда тақдим этиш мумкин эмас? Бир пайтлар шуҳрат қозонган ўзбек чиннисининг довруғини тиклаш пайти келмадими? Назаримизда мутасадди давлат идоралари, ҳунармандлар, соҳа мутахассисларининг бир жойда жам бўлиб, ушбу масала ҳақида бош қотиришлари, бир хулосага келишлари фурсати етган кўринади.

Исломжон ҚУЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фольклор

ЎЛАН АЙТСАНГ, ЖЎШИБ АЙТ...

Аждодлардан мерос халқ қўшиқлари — алла, лапар, ўлан ва айтишувларда миллатимизнинг жўшқин ижодий руҳи, эзгу интилишлари, орзу мақсадлари мужассам. Халқ қўшиқларини тинглар эканмиз, толиққан руҳимиз тетиклашиб, кўтаринкилик, ўзимизга бўлган ишонч ва ғайрат ҳиссі янада ортади. Шу маънода номоддий меросимизни асраш, уни бойитиш ва келажак авлодга етказиш, ёш авлодда миллий ғурур ва шаън туйғусини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англашни ўстириш, аждодлардан фахрланиш туйғусини уйғотиш бугун ниҳоятда муҳимдир.

...Денов туманида яқин-яқингача Руқия момони танимаган киши кам бўларди. Қадимий эртакларимизнинг чечан айтувчиси бўлган момо алла ё ўлан куйлаганда бутун қишлоқ аҳли жам бўлиб, мароқ билан тинглашарди. Қўшиқ меъёрига етгач, одамлар тағин "бир чанқовуз чалинг, момо" деб қолишарди.

Элга азиз момонинг қўшиқлари, чанқовуз оҳанглари сўнмади. Қон тортди, суяк сурди: момонинг суюкли набираси Музаффар Наимов бугун мусиқа санъатининг билимдони бўлди. Халқ қўшиқларини ёзиб олиш баҳонаси билан тоғ қишлоқларига борганида деновлик кампирлардан бири "сиз айтгич "Ёзи" қўшиғини Руқия момо айтсин эди-да, раҳматли, юракларни сел қиларди, овозининг сеҳрига ром бўлмаган киши йўқ эди", дея энтикиб сўз очди. Шу гапларни тинглаб турган невараниг кўз олдида олис қиш тунларида эртаклар, аллалар айттувчи меҳрибонининг ёрқин қиёфаси гавдаланиб, беихтиёр кўзи ёшланди. Томоғига аччиқ бир нималар югуриб, уларга қарата сўз бошлаган чоғида кампирлар қўшиқни авж олдириб қолишди:

Қўй ичидан судраб чиқдим қўзини,
Нодон боши танимайди Ёзини.
Нодон боши танимаса Ёзини,
Йигит бўлсанг, кўтар қизнинг нозини.

Юрагини ҳовучлаб қўшиқ ёзиб олаётган Музаффар ўзини бепоён далаларда буғдой ҳосилини йиғмоққа тўпланган азамат йигитлару ноз-ла қўшиқ куйлаётган қиз-жувонларнинг айтишувида бўлгандек ҳис этди. Ҳа, аждодларимиз куйлаган бу кўнгилни чоғлагувчи, оғир меҳнатдан сўнг чарчоқларни кетказиб, тетиклик бахш этгувчи ўроқчилар қўшиғи гўё асрлар қаридан садо бераётгандек эди.

"Ўша Руқия момонинг невараси бўламан, моможонлар, тўхтатмай айтаверинглар, момом ҳам худди сизлардек айтарди", деди Музаффар Наимов таниш оҳанглар қуршовидан чиқишни истамай.

Момолар эса қаршисида турган йигитнинг қиёфасида уларга илҳом бахш этиб келган Руқия момо сиймосини, овозини эшитгандай бўлишди. Қўшиқлар бир-бирига уланиб кетаверди...

Музаффар Наимов халқ оғзаки ижоди, хусусан, фольклор қўшиқларимизнинг чин ихлосманди ва тарғиботчиси. Болалигида Руқия момонинг қалбига ўт ёққан эртаклари, алла ва лапарлари уни бир умрга санъат шайдосига айлантирди.

Кўнгилнинг ройиши ёхуд тақдирнинг ёзиғи бўлдими, неки иш қилмасин, фольклор ва мусиқа билан боғланиб бораверди. Дастлаб Термиздаги мусиқа билим юртида, сўнгра Ўзбекистон давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факультетида таҳсил олди. Олий маълумотга эга бўлиб, қишлоғига қайтди: 16-болалар мусиқа ва санъат мактабида ишлай бошлади.

Педагоглик билан бирга мустақил фольклор экспедицияларини ташкил этиб, илмий кузатувлар олиб борди. Сурхон фольклор қўшиқларининг гўзал намуналари ҳамон олис қишлоқларда сақланиб ва куйланиб келаётгани, уларни ёзиб олиш, тўплаш ҳамда бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги ҳақида устозлари берган кўрсатмаларга амал қилди. Тумандаги педагогика коллежида мураббий, Термиз давлат университетида ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида ишлади. 2013 йилда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси бўлди.

Олимнинг фольклоршунослик ва санъатшунослик соҳасидаги илмий изланишлари Сурхон мавсум маросим қўшиқларининг жанр хусусиятлари, воҳа мусиқий шеваси-нинг тили каби мавзуларни ўз ичига қамраб олган. Айни пайтда Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаев раҳбарлигида Сурхондарё маросим фольклори мусиқаси бўйича илмий иш олиб бормоқда. Ўтган йилларда уч қисмли "Сурхон қўшиқлари", "Метар наволари", "Қадим Сурхон наволари", "Сурхон ижодкорлари", ҳаммуаллифликдаги "Кўнгил бир наво истар", "Фольклор қўшиқлари (жўрсиз хор учун)" китоблари нашр этилди. Яқинда фольклор

қўшиқларининг болалар хори учун мўлжалланган қисми Халқ таълими вазирлигига ўқув қўлланма асарлар, балки Сурхондарё фольклор қўшиқларининг хор учун тайёрланган "Дурси-дурси", "Уфу жақала", "Лола сайли", "Суст хотин", "Турна келди" каби қўшиқларини ҳам ижро этиб келмоқда. Хор учун мўлжалланган бу қўшиқларни Музаффар Наимов илк бора китоб ҳолида нашрга тайёрлади. Халқ қўшиқларини ноталаштириш, уларнинг хор жамоалари репертуаридан жой олиши, албатта, эътирофга лойиқ. Бу саъй-ҳаракатлар замирида қадимий меросимизга бўлган улкан муҳаббат ва уни сақлаб қолиш, келажак авлодларга етказиш, қолаверса, дунёга танитишдек эзгу мақсад мужассам.

Тадқиқотчи олимнинг узоқ йиллик изланишлари айнан воҳага хос бўлган фольклор асарларнинг ёзиб олиниши ва нашр этилиши билан характерланади. "Қадим Сурхон наволари" номли китобида ҳам айни жиҳатларни, яъни алла, ёр-ёр ва келинсаломнинг Сурхондарё талқинини кўрамиз. Олтинсойлик Ойим момодан ёзиб олинган аллада ҳудуднинг табиати, урф-одатлари, киши орзу-умидларининг ёрқин ифодаси намоён бўлган:

Сой ёқалаб кетайин,
Жоним болам, алла.
Сойдан бодом терайин,
Ширин болам, алла.
Тергангина бодомимни,
Ширин болам, алла.
Ўровингга солайин,
Жоним болам, алла.

Алла матнига эътибор берилса, "ўрови" сўзи қўлланган бўлиб, у чақалоқнинг ётоқ ўрнини англатади. Она куни бўйи меҳнат билан машғул бўлади, кун охирлаб терган бодомларини боласига илинади ва булар-нинг барини бутун борлиғи билан қўшиқ қилиб куйлайди.

Сурхон воҳаси фольклорида Ватанимизнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган боболар алласи — "ҳуя" ёки "ҳуёло" жанри бўлиб, уларни дастлаб 1958-1959 йиллари фольклоршунос олим Тўра Мирзаев ёзиб олган. Аммо мазкур жанр намуналари ҳозиргача тўла ҳажмда тўпланиб, илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Музаффар Наимов мазкур тўпламга "ҳуёло" қўшиқларининг энг гўзал намуналарини киритган. Вахшиворлик Нарзулло Ҳотамовдан ёзиб олинган ушбу қўшиқлар матни билан танишар экансиз, ўзгача завқ ва ҳаяжонни туясиз:

Ола чипор оёғи, йу-ҳу, йу-ҳу,
Темирдайин туёғи, йу-ҳу, йу-ҳу,
Ҳуёла айтай ҳўй бўлгина, йу-ҳу, йу-ҳу,
Ювошгина қўй бўлгина, йу-ҳу, йу-ҳу,
Худойимдан тиладима, йу-ҳу, йу-ҳу,
Катта бўлгин, тўй бўлгин-а,
йу-ҳу, йу-ҳу.

Халқ оғзаки ижоди доимо халқнинг бадиий тарихи, миллий ва маънавий қадриятларининг сарчашмаси бўлиб келган. Музаффар Наимов ана шу бебаҳо ижодни сайқаллаш, кўз қорачиғидек асраш йўлида илмий ва ижодий изланишда. Бундай эзгу ишлар аждодлардан мерос бўлиб келаётган халқ оғзаки ижоди сингари номоддий маданий мерос дурдоналарининг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, элга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
30 (462) 2017 йил 26 июль, чоршанба

Воҳа анъаналари

ЕТТИ ИҚЛИМГА МАШҲУР

ҚОВУН НАВЛАРИНИ ТИКЛАШ БОРАСИДА УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА

— Бир ҳафтадан буён Хивадаман, — дейди белгиялик сайёҳ Седрик Федфофеф. — Юртингиздаги тўкинликдан ҳайратдаман. Ҳар куни бозорга тушиб, аввал қовунларни томоша қиламан, сўнг исталган бирини татиб кўраман: нақд асал. Белгияга қовун четдан келтирилади. Лекин уларни Ўзбекистон қовунлари билан солиштириб бўлмайди...

Дарҳақиқат, ери серҳосил, осмони серқуёш юртимизда етиштирилаётган қовунларнинг тури шу қадар ранг-барангки, қай бирини татиб кўришни билмай қоласан. Хоразм қадим-қадимдан ўзининг деҳқончилик маданияти билан ажралиб турган, турфа нав қовунларининг донги оламга кетган. Бир пайтлар воҳада тўрт юздан ортиқ турда маҳаллий қовун нави етиштирилган бўлса, ҳозирги вақтда эса унинг бир юз ўттизга яқин нави экилади. Булар ичида бўрикалла, асади, обиноввот, тошлоқи, оқноввот, кўкча, гулоби, қўйбоши, умрвоқи, аркони каби бир неча навдаги қовунлар бетакрор таъми билан халқимизга манзур.

ИЛМИЙ АСОС МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

— Тарихий манбаларда воҳанинг тилими тилни ёрадиган қовунлари ҳақида ҳам кўп маълумотлар учрайди, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ғойибназар Сотипов. — Афсуски, собиқ тузум даврида ҳукм сурган пахта яккаҳокимлиги сиёсати оқибатида узумчилик ва полизчилик ҳам эътибордан четда қолиб кетди. Ҳудуд иқлимига мос навлар унутилди. Истиқлол йилларида аграр соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида мулкка, ерга муносабат ўзгарди. Жумладан, полизчиликка эътибор кучайди. Ўтказилаётган анъанавий қовун сайли каби тадбирлар илғор тажрибаларни оммалаштириш, асл навларни тиклашнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадидаги ташрифи давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Урганч давлат университети табиий фанлар факультети негизида "Қовунчилик" марказини ташкил этиш, шунингдек сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидаги агрономия мутахассисларини тайёрлаш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирган эди. Шундан сўнг Хоразм қовунларининг йўқолиб бораётган навларини тиклаш, экспортбоп ва қанд миқдори юқори навлари уруғларини етиштириш ва шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Урганч давлат университетида қовунчилик бўлими ташкил қилинди. Университетнинг ўқув тажриба хўжалигининг етти гектар ер майдони илмий-тадқиқот олиб бориш учун ажратилди. Унда асосан қовун навларининг уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси, зараркунандаларга қарши кураш, қовун маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш секторлари фаолият кўрсатмоқда.

— Йўқолиб бораётган қовун навлари уруғларининг коллекциясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан, — дейди Урганч давлат университети ректори, ЎзМТДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутат Баҳром Абдуллаев. — Ушбу бўлим республикамизда қовунчиликни ривожлантириш, йўқолиб бораётган навларнинг уруғлари коллекциясини яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, экспортбоп қовун навларини яратиш, деҳқон ва фермерлар учун илмий асосланган тавсиянномалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ўқув тажриба хўжалигимизда жорий йилнинг эрта баҳоридан ишни жадал бошлаб юбордик. Бу фаолиятимиз келгусида Хоразм қовунчилик мактабида янги саҳифа очади, деб ўйлайман.

Бўлимда полизчиликни ривожлантиришга оид долзарб масала ва муаммолар юзасидан ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқилади, талабаларнинг танишув ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари ташкил этилади. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда қовун навлари уруғларини етиштириш, агротехника жараёнини механизациялаш, меваларни сақлаш ва қайта ишлаш, ўсимлик касалликлари ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари юзасидан тавсиялар тайёрлаш, шўрланган ерларда полиз экинларини, шу жумладан, қовун етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ва тренинг машғулотлар ташкил қилиш ишлари олиб борилади.

— Бу ерда айни пайтда беш мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилган, — дейди университетнинг қовунчилик бўлими бошлиғи Жуманазар Рўзимов. — Булар воҳа шароитида экспортбоп қовун навлари уруғини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш, сабзавот экинларини тарвуз билан аралаштириб экиш усулларининг самарадорлигини ўрганиш, зараркунандаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, тупроқ шўрланишининг қовун навлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири каби мавзулардир. Ушбу илмий изланишлар натижалари бўйича ҳар ойда қовунчилик фермер хўжалиги раҳбарлари ва университет олимлари иштирокида соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

"ГУРВАК" — ХОРАЗМ ҚОВУНЧИЛИГИ РАМЗИ

Айни пайтда полизларда ғарқ пишиқчилик. Баҳор охири, ёз фаслининг дастлабки ойида замча, яъни ҳандалакнинг хуш бўйи димоғни қитиқласа, ундан кейин тарнак, гурвак, ширин печак, жийда яроқ, оқ наввот каби қовунларнинг ҳиди атрофни тутади. Улар орасида гурвакка тенг келадигани топилмайди.

Қовуннинг бу нави Хоразм ва унга яқин ҳудуд бўлган қорақалпоқ заминида етиштирилади. Амударёнинг қуйи оқимидаги серҳосил ерларда миришкорлар томонидан етиштирилган гурвақдан бир марта тотсангиз унинг таъми бир йилга татийди. Ҳар йили Хива шаҳрининг Ичан қалъасида "Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи" деб номланган қовун сайлининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Унда вилоятнинг барча туман ва қишлоқларидан полиз маҳсулотларини етиштирадиган асл миришкорлар деҳқончилик анъаналари намойиши билан иштирок этади. Дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам қовунларимиздан татиб кўриш имконига эга бўлади. Қовун сайлини ўтказишдан асосий мақсад — бобомерос анъаналарни муносиб давом эттириш, йўқолиб бораётган навларни қайта тиклаш, воҳа тупроқ ва иқлим шароитига мос навларини яратиш, уни қайта ишлаш

технологияларини жорий этиш ва экспортга йўналтиришдан, қолаверса, гастрономик туризмни ривожлантиришдан иборат.

Сўнгги йилларда гурвакнинг эрта пишадиган навларини кўпайтириш, катта майдонларга экиб, юқори ҳосил олишга эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Хоразм узуми тайёрлов савдо" агрофирмасига Боғот туманининг Миришкор, Деҳқонбозор ва Қораёнтоқ қишлоқларидан полиз учун 200 гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда 115 гектар майдонда гурвак, бўрикалла, сариқ қовун, андирхон ва сурхон навлари етиштирилмоқда. Бу ерда тажрибали мутахассислар Баҳодир Эгамов ҳамда Одилбек Рўзиматов ўзларининг агрономия соҳасидаги билимларини қовунчиликда қўллаб, тилими тилни ёрар полиз маҳсулотларини етиштириш йўлида меҳнат қилаётир.

Хоразм қовунларининг довруғи бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларига етган. Хусусан, Урганч туманидаги "Хоразм қовунлари" корхонасида кореялик ҳамкорлар билан биргаликда қовунни қайта ишлаб, яъни уни музқаймоқ шаклида музлатган ҳолда қадоқлаб, бир қисмидан мураббо тайёрлаб, Жанубий Кореяга экспорт қилинмоқда. Айни пайтда бундай лойиҳаларни кенгайтириш, қолаверса, даладан тўғри экспортга йўналтиришга мўлжалланган навларини кўпайтириш устида изланишлар олиб борилмоқда.

ҚОВУН — ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТ

Ўзбекистонда бундан икки минг йил илгари ҳам экилган қовун кўплаб шифобахш хусусиятга эга. Марказий Осиёда халқ табобатида сил, ревматизм, бронхит, никриз (подагра) камқонлик, юрак, жигар, атеросклероз касалликларига даво топишда қовундан фойдаланиб келинган. Унинг асаб системасига тинчлантирувчи таъсир кўрсатиши ҳам аниқланган. Нимага шундай? Чунки унинг таркибида фойдали моддалар жуда кўп. Диёримизда етиштирилаётган қовунларнинг таркибида 85-90 фоиз сув, 8-15 фоиз қуруқ модда, кўплаб микроэлемент, органик ва минерал тузлар мавжуд, қанд миқдори 14-16 фоизга етади.

— Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино қон-томир касалликлари билан оғриган беморларни қовун уруғи ва пўсти билан даволаган, — дейди Тошкент тиббиёт академияси болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори Гули Шайхова. — Пишгани ҳам, сапча қовун ҳам пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Буйрак, қовуқ ва жигарда пайдо бўлган тошларни чиқариб юбора оладиган хусусиятларга эга эканлигини ҳам таъкидлаган. Шу ўринда яна бир маълумот: эндокринологлар ҳар бир киши кунига 270 грамм полиз мевалари, жумладан, 100 грамм тарвуз, 150 грамм қовун ва 20 грамм қовоқ истеъмол қилиб туришини тавсия этади.

Диетологлар эса қовун истеъмоли овқат ҳазм қилишни яхшилайди, деб ҳисоблайди. Манбаларда келтирилишича, қовуннинг аёллар соғлиғи учун фойдаси катта. Унда мавжуд бўлган фолий кислотаси аёллар учун муҳим ва керакли модда ҳисобланиб, соғлом бўлишни истаганлар буни яхши билади. Айниқса, ҳомиладор аёллар овқатланиш рационларида қовун бўлиши фойдали. Қовундаги кремний суяк, соч ва терининг соғлом бўлишини таъминлайди. С витамини муттасил давом эттан шамоллашдан заифлашган кишилар организмида иммунитетни мустаҳкамлайди.

Республикамиз бўйича ҳар йили ўртача 55-60 минг гектар майдонга полиз маҳсулотлари экилса, шунинг 35-40 фоизи қовундан иборат. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил қарийб 25 тоннани ташкил этади. Деҳқончилик анъаналарини давом эттириб келаётган воҳа миришкорлари ҳам полиздан мўл ҳосил олиш мақсадида доимий тажриба ҳамда замонавий технологияларни уйғунлаштирган ҳолда соҳа ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Урганч давлат университети олимлари олиб бораётган илмий изланишлар Хоразмнинг машҳур қовун навларининг қайта тикланишига асос бўлса ажаб эмас.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий гурур

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

Мамлакатимизда санъатсевар ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш ва рағбатлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар самарасида юртимиз мусиқа мактабларида таълим олаётган ёшларимиз халқаро танловларда ғолиб бўлиб, ўз ижро маҳорати билан жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Шамшод Исаев ҳам ана шундай ёшлардан биридир. У жорий йилнинг 27-30 май кунлари Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган халқаро болалар ва ўсмирлар мусиқа фестивалида "Чоргоҳ", "Сараҳбори наво", "Муҳаммаси баёт" куйларини ғижжакда маҳорат билан ижро этди ва 300 дан зиёд иштирокчи орасида биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Шамшод санъаткорлар оиласида улғайди. Отаси Абдухалил Исаев ўғлини санъатга бўлган қизиқиши, ғижжакка бўлган меҳрини кўриб, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоиловнинг олдига олиб келди. Энди олти ёшни қаршилаган болакайнинг ҳали мусиқий билими бўлмаса-да, созга бўлган меҳрини кўрган устози у билан астойдил шуғуллана бошлади. Натижа кутилганидек бўлди.

Ёш санъаткор мусиқий билим олиш билан бир қаторда мусиқий мактаб қошида ташкил этилган "Мерос" ансамблида ҳам фаолият юрита бошлади. Бунинг натижасида кўплаб халқаро танловларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллади. 2014 йил Грециянинг Афина, 2015 йил Германияда бўлиб ўтган фестивалларда миллий мумтоз куйларидан ижро этиб, Гран-при соҳиби бўлди.

— Дунё тамаддуни тарихида ўзбек санъати ўз ўрнига эга, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Икки дарё оралиғида қадимдан шаклланган халқ мумтоз мусиқаси истиқлол туфайли кенг ривож топмоқда. Айниқса, Шамшод каби ўз устида изланаётган фарзандларимизнинг миллий мусиқа санъатига бўлган меҳри ва қобилияти, камоли бизни жуда қувонтиради. Ғижжак ҳақида сўз борганда устоз санъаткорлар Ғуломжон Ҳожиқулов, Ғанижон Тошматов каби устозлар кўз олдимизга келади. Устоз санъаткорларнинг ўлмас меросига улғайиб келаётган ёш авлодда қизиқиш уйғонаётгани, албатта, қувонарли ҳол. Нодир санъат дурдоналарининг чинакам соҳибларигина келажакда етук санъаткор бўлиб етишади.

Ҳа, мусиқа инсон руҳиятига ҳаётбахш куч бера оладиган жон озиғидир. Мусиқада миллат руҳи мужассам. Ана шу сеҳр кучи билан мусиқа турли элу элатларни, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. У инсонни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка ошно этади.

— Халқаро танловда илк марта қатнашгандаёқ ғолиб бўламан, деб ўйламагандим, — дейди Шамшод. — Аммо устозларимнинг маҳорат сабоқлари ва ўз устимда қунт билан ишлашим туфайли шундай нуфузли танловда ғолиб бўлиш имконига эга бўлдим. Нуфузли танловларда юртимиз номини улуғлаш мен учун улкан шараф. Бу давлатимизнинг ёш авлодга қаратаётган эътибори, жумладан, санъат билан шуғулланиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани самарасидир. Танловдаги ютуғим менинг мусиқа оламида ижрочилик сир-асрорларини янада пухта ўрганишимда муҳим асос бўлади. Бунинг учун юртимизда барча шароит ва имконият яратилган. Биз ёшлар бундан унумли фойданиб, келгусида Ўзбекистонимиз санъати довруғини халқаро миқёсда кенг ёйишга ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

Дарҳақиқат, мусиқа барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир. У тил танламайди, ҳеч қандай таржимонсиз инсон қалбига кириб бориб, ҳар бир миллатнинг ўзига хос туйғуларини акс эттира олади. Бу эса, аввало санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2016 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб бадиий асарларни нашр этди. "Адабиёт хрестоматияси" рукнида 44 жилддан иборат китоблар мажмуаси, "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг 10 жилди, "Нашриётимиз хазинасидан" рукнида 17 номдаги китоб шулар жумласидан.

КИТОБХОНЛАРГА ҚЎШАЛОҚ ТУҲФА

Нашриёт яқинда "Ал-Қомус" арабча-ўзбекча қомусий луғат, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғати-т-турк" асарининг янги нашрини китобхонларга навбатдаги туҳфа сифатида тақдим этди.

Миллий матбуот марказида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи мазкур китоблар тақдимотига бағишланган матбуот анжумани ўтказди. Унда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, Тошкент ислом университети профессор-ўқитувчилари, академиклар, араб тили бўйича мутахассислар, таржимонлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бунда дастуриламал бўлмоқда.

— Академик Неъматулло Иброҳимов таҳрири остида оригинал манбалар асосида тузилган, тўрт жилддан иборат "Ал-Қомус" арабча-ўзбекча қомусий луғатининг биринчи жилди ва буюк бобокалонимиз Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур "Девону луғати-т-турк" китоби нашрдан чиққани халқимиз учун бебаҳо маънавий туҳфа бўлди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Лазиз Тангриев. — "Ал-Қомус" арабча-ўзбекча қомусий луғат мумтоз ва замонавий араб адабий ҳамда сўзлашув тилидаги юз мингдан ортиқ сўз ва ибораларни, фан-техника, санъат, маданият соҳасига оид атама-тушунчаларни қамраб олган. У шарқшунос-арабшунослар, манбашунос-тарихчилар, араб тилини ўрганувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. "Ал-Қомус" луғатида ундан фойдаланишни янада қулайлаштириш мақсадида бир қатор янгича услубларга мурожаат этилган. "Девону луғати-т-турк" асари туркий тилшуносликнинг тенги йўқ ёдгорлиги ҳисобланади. Дунё тилшунослигида кенг эътироф этилган мазкур китобнинг ўзбек тилидаги илк таржимаси 1960 йилда нашр этилган эди. Бу галгиси янги нашр экани билан аҳамиятлидир.

Т. АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ДУНЁ ЭЪТИРОФИДАГИ ФЕСТИВАЛГА АЙЛАНДИ

Миллий матбуот марказида шу йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган анъанавий "Шарқ тароналари" XI халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон маданият вазири ўринбосари К.Оқилова ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунёнинг энг нуфузли санъат форумлари қаторидан жой олганини таъкидлади.

Мазкур фестиваль миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга, жаҳоннинг турли мамлакатлари хонандалари, мусиқашунослари, бадиий жамоалари ижрочиларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашадиган, санъатимизни бор гўзаллиги ва жозибаси билан намоён этадиган бетакрор байрамга айланди. Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестиваль эзгу ғоялари, юксак ва кўтаринки савияси билан йилдан йилга нуфузи ошиб бормоқда. Биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилгисида 60 га яқин давлатдан бадиий жамоалар, яккахон хонандалар, мусиқашунослар, олимлар қатнашиши кутилмоқда.

Фестиваль доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши кўзда тутилган. Шу кунларда Самарқанд шаҳрида фестивални кўтаринки руҳда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Фестиваль доирасида Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Пастдарғом туманларида ҳам мусиқий тадбирлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, концертлар бўлиб ўтади.

— Шаҳар кўчаларидаги энг гавжум жойлар, одамларнинг эътиборини тортадиган манзиллар "Шарқ тароналари" фестивалини тарғиб қилувчи баннер ва шиорлар билан безатилди, — дейди "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Наргиза Фозилова. — Хусусан, Бўстонсарой кўчасидаги баннерлар янгиланди. Мирзо Улуғбек кўчасида яна ўнта 3х6 метрли баннер қўйилмоқда. Шу кўчада 4х8 метрли мониторлар ҳам жойлаштирилди. 38 бекатда икки томонлама ёруғлик чироқлари қўйилди. Тез орада яна 18 бекатда шундай ранг-баранг чироқлар порлайди.

Айни кунларда меҳмонхоналар, аэропорт, вокзал, Регистон майдони ҳам фестиваль тасвирий воситалари билан безатилмоқда. Хуллас, "Шарқ тароналари"га ташриф буюрган ҳар бир меҳмон Самарқандга кирган заҳоти мусиқа байрами шукуҳини ҳис этиши учун барча чоралар кўриляпти.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

ЙИГИРМА БИР ОБЪЕКТ ЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Шу йилнинг 2-12 июль кунлари Польшанинг Краков шаҳрида ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси қўмитаси 41-сессияси ўтказилди. Мазкур анжуманда 18 маданий, 3 табиий объект ташкилотнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига олинди. Айрим маданий ёдгорликларнинг чегараларига тегишли ўзгартиш киритилди. Айни пайтда ташкилот рўйхатидаги жаҳон мероси объектларининг сони 1073 тани ташкил этмоқда.

Африка қитъасидаги Ангола ҳамда Эритрея мамлакатлари ҳудудида жойлашган қадимий обидалар мазкур рўйхатдан илк маротаба жой олди. Аргентинадаги Лос-Алерсес миллий хиёбони, Хитойнинг Цинхай ўлкасидаги Кукушили қўриқхонаси, Даурия ландшафти (Монголия, Россия Федерацияси) ташкилотнинг Жаҳон табиий мероси рўйхатига киритилди. Бразилиядаги "Пристань Валонгу" археологик ёдгорлиги, Ҳиндистонинг қадимий Аҳматобод шаҳри, Камбоджадаги Самбор-Прей-Кук археологик мажмуаси, Африканинг Асмэра шаҳри (Эритрея), Туркиянинг кўҳна Афродисиас шаҳри, Эроннинг қадимий Язд шаҳри, Буюк Британиядаги Кўлли ўлка каби қадимий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олди. Қўмита Симени (Эфиопия) ҳамда Комоэ (Кот д'Ивуар) миллий хиёбонларини ЮНЕСКО Хавф остида турган маданий мерос рўйхатидан чиқариш хусусида қарор қабул қилди. Уларнинг ўрнини Вена (Австрия) шаҳрининг қадимий қисми ҳамда Фаластиндаги кўҳна Хеврон (Ал-Халил) шаҳри эгаллади.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ШАРТЛАРИ

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. ЮНЕСКО 1972 йилда Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди ва у 1975 йилда кучга кирди. Конвенцияни ўтган йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, 192 иштирокчи-мамлакат ратификация қилган.

1977 йилдан буён ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси қўмитаси ҳар йили сессия ўтказиб, унда янги объектларга халқаро мақом бериш масаласини кўриб чиқади. Бундай объектларни ташкилот рўйхатига киритиш бир нечта босқичда амалга оширилади. Аввалига даъвогар мамлакат ўз ҳудудидаги муносиб деб топган объектларнинг хомаки рўйхатини тузади. Қоидага кўра, исталган мамлакат ташкилотга ҳар йили ўз ҳудудида жойлашган фақат икки объектни номзод сифатида кўрсатиши мумкин. ЮНЕСКО экспертлари давлатларнинг мазкур масала юзасидаги талабномасини тайёрлашда кўмаклашиб, барча зарурий ҳужжат ва хариталар тақдим этилишини назорат қилади. Номзод объектлар рўйхати 1 февралдан кечиктирилмай ташкилотга тақдим этилиши лозим.

Талабномалар бир ярим йил ичида кўриб чиқилади. ЮНЕСКО ҳужжатларнинг тайёрлигини текшириб, уларга баҳо бериш учун тегишли маслаҳат органларига тақдим этади. Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқи ҳамда Ёдгорликлар ва қадамжоларни сақлаш халқаро кенгаши объектларнинг табиий ва маданий аҳамиятини баҳолайди. Агар объектлар юқори баҳоланса, ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси қўмитаси ҳар йили ўтказадиган сессиясида уларни рўйхатга киритиш ҳақида якуний қарор қабул қилади. Қўмита қарорни кечиктириши, уни тақдим этган мамлакатдан қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақли.

2003 йилда ЮНЕСКО Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Йўқолиш арафасида турган айрим номоддий маданий мерос намуналари — анъанавий мусиқа, рақс, маросим, фестиваль, ҳунармандлик йўналишлари инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилади. Бунда уларнинг

қадимийлиги, авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани, дунё маданий ҳаётидаги аҳамияти инобатга олинади. Ҳар йили янги халқ оғзаки ва номоддий меросни аниқлаш ва рўйхатга киритиш юзасидан ташкилот сессия ўтказади. ЮНЕСКО йўқолиб бораётган тилларни ҳам муҳофазага олади, уларнинг харитасини тузади. Бундай харита сўнгги маротаба 2009 йилда чоп этилган.

Ташкилотнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олиш бир қатор афзалликларга эга. У хоҳ тарихий, хоҳ табиий объект бўлсин, уларни зарур даражада асраб-авайлаш имкони туғилади. Мазкур рўйхатга киритилган объектларнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи ошади, сайёҳликни янада ривожлантиришга йўл очилади. Қолаверса, уларни Жаҳон мероси жамғармаси ҳисобидан таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши мумкин. Ўз навбатида бундай меросга эга мамлакатларга уларни сақлаш, асраб-авайлаш мажбурияти ҳам юкланади.

Хавф остида турган жаҳон маданий мероси объектлари алоҳида рўйхатга олинади. Бундай рўйхатга табиий омиллар — зилзила, вулқон отилиши ёки бошқа табиат ҳодисалари ёки одамлар фаолияти таъсирида — қуролли тўқнашувлар, урушлар, браконьерлик (ноқонуний овчилик) оқибатида жиддий зарар кўрган қадимий ва табиий объектлар киритилади.

МАДАНИЙ МЕРОС "КУШАНДАЛАРИ"

Бугун ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олган айрим объектлар турли таҳдид ва хавф остида қолаётгани ҳам сир эмас. Айниқса, уруш олови сўнмаётган мамлакатлар ҳудудида жойлашган тарихий ёдгорликлар айрим террорчи гуруҳлар томонидан шафқатсизларча вайрон этилмоқда. Бунга ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига олинган, Афғонистоннинг Бамиан водийсидаги қояда ўрнатилган, эрамизнинг VI асрига оид 37 ва 55 метрли иккита ноёб Будда ҳайкалининг 2001 йилда Толибон ҳаракати жангарилари вайрон этганини мисол қилиб келтириш мумкин. 2011 йилда ЮНЕСКО ушбу ҳайкалларни қайта тикламаслигини маълум қилди. Бунга иккита сабаб келтирилди. Биринчидан, мазкур лойиҳани амалга ошириш камида 8-12 миллион долларни талаб этади. Бунча маблағни топишнинг имкони топилмади. Иккинчидан, қадимий ҳайкалнинг ярмидан кўп қисмини янги тошлар воситасида тиклаш талаб этилади. Шу боис ташкилот бу ҳайкалнинг нусхасини ясаган билан унинг аввалги қиммати тикланмаслигини ҳисобга олиб, лойиҳадан воз кечди.

Суриядаги қадимий Пальмира шаҳри террорчилар дастидан вайрон этилган яна бир тарихий объект саналади. Пальмира сўнгги антик даврга оид қадимий шаҳар бўлиб, унда Рим даврига тааллуқли тарихий объектлар — қатор устунлар, ҳашаматли аркалар, ибодатхоналарнинг харобалари сақланиб қолган. Улар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бироқ 2015 йилда ИШИД террорчилик ташкилоти жангарилари шаҳарнинг аксарият тарихий иншоотларини вайрон қилди. Жумладан, эрамизнинг I асрига оид, баландлиги 3,5, оғирлиги 15 тонна келадиган "Аллат шери" ҳайкали, милодий 32 йилда бунёд этилган Баал, II асрга оид Баалшамин ибодатхоналари вайронага айлантирилди. 2015 йилнинг 5 октябрида жангарилар Пальмира рамзи — Рим даврига оид ҳашаматли аркани ҳам портлатди. ЮНЕСКО мазкур воқеаларга муносабат билдирар экан, террорчиларнинг бу хатти-ҳаракатини вахшийлик деб баҳолаб, қаттиқ қоралади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, террорчилар асосан сотишнинг имкони бўлмаган объектларни вайрон этмоқда. Қора бозорда сотиш ва ундан мўмай даромад олиш мақсадида археологларни қадимий буюмларни излаб топишга мажбур этаётир. Ҳозирда Пальмирада вайрон этилган иккита ибодатхона, ҳашаматли арка ҳамда миноаларни тиклаш режалаштирилмоқда. Тиклаш ва таъмирлаш ишларини уч босқичда амалга ошириш мўлжалланаётир.

Бугун ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган айрим тарихий иншоот ва ёдгорликлар табиий офатлар оқибатида ҳам зарар кўрмоқда. 2015 йилнинг 25 апрель ҳамда 12 май кунлари Непалда юз берган кучли зилзила мамлакатга катта талафот етказгани ҳеч кимга сир эмас. Унинг оқибатида 8 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди, 14 минг одам жароҳатланди. Ярим миллиондан зиёд турар-жой бинолари вайронага айланди. Ҳукумат зилзила оқибатида еттан зарар миқдори 10 миллиард доллардан ошганини маълум қилди. Зарар кўрган иншоотлар орасида ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган қадимий қадамжолар ҳам бор. Мисол учун, Катманду водийси ёдгорликлари таркибида ташкилотнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олган, XIX асрга оид баландлиги салкам 62 метрли машҳур Дхарахара минораси ҳам табиий офат оқибатида бутунлай вайронага айланди. Шунингдек, мамлакат жанубидаги ЮНЕСКО ҳимоясига олинган Читван миллий хиёбони қисман зарар кўрди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Мамлакатимиз мазкур ташкилотга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда мазкур нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисидир. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.

Ўтган давр мобайнида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, "Алпомиш", "Авесто" адабий ёдгорликлари, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди.

ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуи киритилган бўлиб, ташкилот томонидан уларнинг дунё миқёсида тарғиб этилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Қолаверса, яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз, аския, катта ашула, Шашмақом, Бойсун маданий мероси, "Палов маданияти ва анъаналари" инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилиш асосида таълим, фан ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

ЁҒИНГАРЧИЛИК СУВ ТОШҚИНИГА САБАБ БЎЛДИ

Япониянинг Акита префектурасида юз берган рекорд даражадаги ёғингарчилик салкам 500 уйни сув остида қолдирди, деб ёзади "ria.ru" сайти.

ННК телеканали хабарига кўра, сув тошқинлари оқибатида 10 минглаб одам бошқа жойларга кўчирилган. Киодо агентлигининг маълум қилишича, мамлакат шимолидаги 17 туманда 485 уй сув остида қолган. Сув тошқинлари ва ёғингарчилик темир йўл қатнови фаолиятида узилишларга олиб келган.

ҚУШСИФАТ ДИНОЗАВР

Канадалик олимлар динозаврнинг янги турини аниқлади. Бу тур альбертавенатор номини олди. Бу ҳақда "meduza.io" сайти хабар тарқатган.

Ушбу динозаврнинг ташқи кўринишидаги баҳайбат қушни эслатади: у икки оёқда юрган, танаси пат билан қопланган, калта қанотлари ҳам бўлган. Палеонтологлар у Канаданинг Ред-Дир дарёси водийсида 71 миллион йил аввал яшаганини тахмин қилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, кичик патли динозаврлар ҳақидаги маълумотлар фанда ноёб ҳодиса ҳисобланади.

"Биз динозавр бош чаноғининг бўлагини топиб, шу асосда альбертавенаторнинг янги турга мансублигини аниқладик", — деди Онтарио қироллик музейи профессори Дэвид Эванс.

У келажакда жонивор скелетининг бошқа бўлаклари ҳам топилишига умид билдирди.

ЙЎЛ ЧАРЧОҒИ БИЛИНМАЙДИ

Узоқ йўл йўловчини толиқтириши аниқ. Айниқса, автобусда: ўриндиқда ухлаш эса ноқулай. Ана шуларни ҳисобга олган АҚШлик Том Куриэр автобусларга қулай кроватлар ўрнатиш лозимлигини ўйлаб топди, дейилади "24gadget.ru" сайтида.

У кроватлар билан жиҳозланган иккита автобусни Лос-Анжелес — Сан-Франциско йўналишида ишга туширди. Автобус соат 23.00да йўлга чиқиб, белгиланган манзилга эрталаб соат 7.00да етиб боради.

Лойиҳа — "SleepBus" деб номланди. Автобуслар икки қаватли бўлиб, уларда 24 бўлма бор ва ҳар бирида кроват, совуттгич, дераза, китоб мутолааси учун чироқ, гажетларни қувватлантиришга розетка ўрнатилган. Йўловчиларга чойшаблар ва шовқин қайтаргичлар берилади. Бундан ташқари, "SleepBus"да Wi-Fiдан фойдаланиш, қаҳва, чой, сув ичиш мумкин. Автобусда ҳожатхона ҳам мавжуд. Ҳар бир бўлма алоҳида йўловчига мўлжалланган.

Рангин дунё

"ТОШ ЎРМОН"

Хитойнинг Юньнань провинцияси маъмурий маркази Куньмин шаҳридан 130 километр узоқликда йирик қоятошлардан иборат Шилинь миллий хиёбони жойлашган. Шилинь хитой тилида "тош ўрмон" маъносини англатади. Хиёбоннинг майдони — 350 квадрат километр. Бу ердаги қоялар шу қадар баланд ва ингичгаки, улар одамда дарахтлар худди қоятошга айланиб қолгандек таассурот уйготади. Улар гор остида ҳосил бўлиб, юқорига қараб ўсувчи конуссимон ҳосила — сталагмитни ҳам эга солади.

"Тош ўрмон"нинг пайдо бўлиши ҳақида маҳаллий халқ тўқиган бир афсона оғиздан-оғизга ўтиб келади. Унга кўра, бир вақтлар бу ерда алпқоматли баҳодир яшаган экан. Кунлардан бир куни у ўз халқига тўғон қуриб бермоқчи бўлибди. Бунинг учун сеҳргардан ёрдам сўраб мурожаат қилибди. Сеҳргар тошларга осон ишлов берадиган асбоб-ускуналарни муҳайё қилибди. Баҳодир уларни олиб, тунда ишга киришибди. Бироқ сеҳргар баҳодирни қуёш бош кўтариши билан асбоблар ўз сеҳрини йўқотишидан воқиф этмаган экан. У йирик тошларни олиб келиб, бир жойга йиғишга муваффақ бўлибди-ю, ишлов беришга фурсат етмай қолибди. Хуллас, тошлар шу зайлда ишловсиз қолиб кетган эмиш...

Олимларнинг тахминига кўра, "тош ўрмон" бундан 250 миллион йил аввал пайдо бўлган. Бир пайтлар бу ерда денгиз мавж урган. Сув остида йиллар давомида оҳакли тоғ жинслари йиғилиб борган. Бироқ вақт ўтиши билан денгиз қуриб, ундан фақат тош қоялар сақланиб қолган. Зилзила ва шамол таъсирида қоятошлар бугун шундай кўринишга эга бўлган. "Тош ўрмон" бир нечта қисмга — йирик ва кичик, Найгу тош ўрмонлари, Квифенг ва Жиюнь ғори, узун кўл ҳамда Да Диешиу шаршарасига бўлинади.

"Йирик тошли ўрмон" жуда катта қоятошлардан иборат бўлиб, уларнинг айримлари ўта зич жойлашган: бир одам орасидан зўрға ўтиши мумкин. Тошлар орасида кўл, арка ва жарликлар ҳам мавжуд бўлиб, адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис ўрмон ҳудудининг турли қисмида телефон будкалари ўрнатилган. Адашиб қолган тақдирда ана шу телефонлардан фойдаланиб, хиёбон ходимларини ёрдамга чақириш мумкин. Ўрмон хизматчилари чақириқ хиёбоннинг қаеридан бўлганини шу заҳоти аниқлаб, ёрдамга ўз вақтида етиб келади.

"Кичик тошли ўрмон"да тошлар нисбатан кам. Бу ерда аксинча ўсимликлар, гуллар, бамбук чакалакзорлар кўп учрайди. Шунингдек, қоятош тепасида минора бунёд этилган.

Маҳаллий аҳоли уни "Осмонни кўтариб турган минора" деб атайди.

"Тош ўрмон"даги Жиюнь ғорининг майдони уч квадрат километрни ташкил этади. Квифенг ғорида август-ноябрь ойларида чинакам мўъжиза содир бўлади. Бу мавсумда унинг ҳудудида жойлашган ер ости дарёси ҳар ярим соатда кичикроқ гирдоб ҳосил қилади ва у бир неча дақиқа давом этиб, қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай ғойиб бўлаверади. Олимлар ҳалигача унинг тилсимини ечолган эмас. Ўрмоннинг мазкур ҳудудида Да Диешиу деб аталадиган баландлиги 88 метрли шаршара ҳам жойлашган. Айниқса, ёғингарчилик мавсумида шаршаранинг суви кўпайиб, мафтункор кўриниш ҳосил қилади. Миллий хиёбондаги яна бир диққатга сазовор маскан — бу Чанду кўли. Унинг узунлиги — 3 километр, эни атиги 300 метрни ташкил этади.

Шилинь миллий хиёбонида ҳар йили 23-25 июль кунлари анъанавий тарзда "Машъалалар фестивали" ўтказилади. Фестиваль доирасида халқ рақслари, кураш мусобақалари уюштирилади. Шу боис ҳар йили бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди.

2007 йилда "тош ўрмон"нинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Ҳунарманд

МОМОЛАРИ ҲУНАРИНИ АРДОҚЛАБ...

Мамлакатимизда халқ амалий санъати турларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли неча минг йиллик тарихга эга каштачилик санъати ўзининг янги босқичига кўтарилди. Самарқанд, Нурота, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент ва Фарғона каштачилик мактаблари фаолияти қайта тикланиб, изчил ривож топмоқда.

Шаҳрисабзда моҳир уста сифатида эътибор қозонган таниқли ҳунармандлар кўп. Каштачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратган Гулнора Одилова — улардан бири. Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида унинг "Шаҳрисабз каштачилиги: қадим ва замон" шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Ҳунарманд унда етмиш хилдан ортиқ миллий маҳсулотларини омма эътиборига ҳавола қилди.

...Ҳунарманднинг хонадонига борганимизда, қизлар даврасида маҳорат дарсларини ўтаётган экан. Қизалоқлигидан бувиси, онаси ёнида ўтириб, қашта тикиш санъатига меҳр қўйган моҳир каштадўзнинг қўлидан игна-ю ипак тушмайди.

— Каштачилик — бизга момомерос ҳунар, — дейди Гулнора опа. — Болалигимдан раҳматли бувим Туҳфа момо Тўраева ва онам Иноят Йўлдошеванинг каштага нақш ва зеб беришини диққат билан кузатардим — ҳар бир ҳаракати назаримдан четда қолмасди. Онамнинг "қизим, гулларни тикаётганингда игна оралиғига эътибор берсанг, катакчалар бир текисда ипак билан ёпилиб, қашта силлиқ ва чиройли чиқади", деган сўзлари ҳануз қулоғим остида жаранглайди...

Бадиий каштачилик ўзбек халқининг турмуш тарзи ва ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият каштачилик маҳсулотларида оддий, яъни бир хил чокда тикиш кузатилади. Ҳолбуки, ўтмишдаги анъанавий ҳунармандлигимизда мураккаблиги билан ажралиб турувчи турли усуллардан кенг фойдаланилган. Шаҳрисабз каштачилиги анъаналарини давом эттираётган моҳир каштадўз XVII асрда қўлланилган ва унутила бошлаган "ироқи" услубини, юртимиз ва хорижий музейларда сақланаётган Шаҳрисабз кашталарини устози Ҳалима Бобоқулова билан чуқур ўрганиб, анъанавий нусхаларни қайта тиклади.

— Каштачиликнинг "ироқи" услуби ўзининг жозибаси ва фусункорлиги билан ажралиб туради, — дейди ҳунарманд. — Ундаги нафислик, ўткир ва ёрқин ранглар дид ва маҳорат билан ишлангани кишини лол этиши, шубҳасиз. Шаҳрисабз каштаси эса гулбезакларининг кўплигига кўра, Бухоро ва Нурота каштачилигига яқин. Нурота каштачилигида гул тасвирларига назокат ва нафислик бахш этувчи эркин таглиги катта ўрин тутса, Шаҳрисабз каштачилигида тагликни тўлалигича нақш билан безаш ёки безакнинг бир текисда тақсимланиши янада ёрқин акс этади...

Каштачилик чинакам санъатнинг ўзи. Ҳунарманд бамисоли мусаввир янглиғ халқ амалий санъатида манзарани, масалан, боғнинг гўзаллигини сизга табиий ҳолича тақдим этиши учун совуқ ва илиқ ранглар, улар ўртасидаги яқинликни ҳис қила билиши зарур. Каштада ана шу турфа дунёни нақшлаш учун борлиқ — замин, наботот ва коинот оламини ҳис этиш лозим. Каштадўз яратаётган ҳар бир ишида она табиатдан илҳомланиши ҳам тасодиф эмас. Айтайлик, қора мурч ёки гармдори — тумор, товус қуши — байрам, чойнак — меҳмондўстиклик, анор дарахтининг гули — серфарзандлик рамзи. Шу боис Гулнора опанинг кашталарида акс этган нақшларда табиатдаги мўл-кўлчилик, саховат ва ҳаёт жўшқинлиги акс этади. Эътиборли жиҳати, сўзаналардаги гуллар ва ранглар рамзий маънолари билан ҳеч бир ҳудудникига ўхшамайди. Қолаверса, моҳир каштадўз сўзаналарида ўсимлик дунёсидан ташқари ҳайвонот оламини ҳам зўр маҳорат билан тасвирлайди. Баъзиларида икки хил турдаги нақшлар бир-бирига ўзаро уйғунлашиб кетган. Сўзаналар бир-бирини такрорламаслиги билан диққатга сазовор.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фаолиятимиз ривожида муҳим омил бўлаётир, — дейди Гулнора Одилова. — Берилган имтиёзлардан фойдаланиб, каштачилик негизида оилавий бизнесни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда "Kesh-Osiyo karvoni" корхонасида кўплаб ёшларни ҳунарга ўргатиб, уларни иш билан таъминламоқдамиз. Зеро, миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи халқ амалий санъати намуналари билан келажак авлодни таништириш, эртамиз эгаларига аждодларимиздан мерос бу ҳунар сир-асрорларини ўргатиш, уларнинг ушбу ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш мақсадимиздир.

Айни пайтгача моҳир ҳунарманд "уста-шогирд" анъанаси асосида миллий санъатимизни қайта тиклашга қизиқадиган уч юздан ортиқ ёшларга каштачилик сир-асрорларини ўргатди. Оиладаги ижодий муҳит, момоларидан мерос касбни давом эттириш истаги туфайли суланинг бешинчи авлод вакили Сўғдиёна ҳам олти ёшидан шу ҳунарга меҳр қўйди. У айни пайтда академик лицейда таҳсил олиш билан бирга, мустақил равишда бетакрор кашта нусхаларини яратиш устида изланаётир.

— Ҳар ким ўзи севган касб-ҳунарни эгалласа, шу орқали катта муваффақиятга эришиши, шубҳасиз, — дейди Суғдиёна Омонова. — Ҳунар ва санъатни ўзида мужассам этган бу соҳа нафақат моддий жиҳатдан, балки миллийлиги, маънавий, тарбиявий аҳамияти билан ҳам қадрли. Келажакда етук дизайнер бўлмоқчиман. Кашталар билан безанган миллий либосларимизни жаҳон подиумларида намойиш қилиш — орзуим.

...Миллий ҳунармандлик истиқлол туфайли кенг қулоч ёзди, усталар қадр топди. Ҳунарманд фаол ишлаб чиқарувчига, тадбиркорга айланди. Ўзи яратган маҳсулотни истаган жойда сотиш, кўргазмаларда намойиш этиш имкониятига эга бўлди. Моҳир каштадўз яратган каштачиликнинг ёрқин намуналари — сўзаналар, чопонлар, ёстиқлар, бош кийимлар, сумкалар, пойабзаллар ва бошқа маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидоргир. Ҳунарманд ижод намуналари билан АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Россия, Туркия, Италия, Греция, Исроил, Малайзия каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб, диплом ва совринлар билан тақдирланган.

— Ҳунари бор — элда азиз, деганларидек, момомерос касб ортидан эзоз топдим, дунё кездим, — дейди ҳунарманд. — Миллий қадриятларимизни улуғлашга хизмат қиладиган ҳунар билан шуғулланаётганим менга ғурур бағишлайди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ПОМИДОР ОРТИҚЧА ВАЗНДА ФОЙДАЛИ

Помидор нафақат хуштаъм, балки инсон организмига фойдали витамин ва минерал моддаларга бой сабзавот. Шу боис асл ватани Жанубий Америка бўлган помидор бугун дунёнинг деярли барча мамлакатида экилади. Янгилигича, консерваланган, паста, қоқи ҳолида истеъмол қилинади.

Ўзбекистон шароитида кўчатлари иссиқхоналарда етиштирилиб, сўнгра далада экилади. Помидор

шифобахш хусусиятларга ҳам эга. У инсон организмига фақат ижобий таъсир қилиб қолмай, кайфиятни ҳам кўтариши билан диққатга сазовор. Таркибида органик модда — тирамин мавжуд. Бу модда организмда серотонин моддасига айланади ва инсон кайфиятига ижобий таъсир қилади.

Буйрак касаллиги билан оғриган, ортиқча вазнли ҳамда танасида ортиқча туз йиғилган инсонлар мунтазам помидор тановул қилишлари лозим. У ўт ва пешоб ҳайдаш хусусияти боис таом истеъмолидан ярим соат ўтиб, бир пиёла томат шарбати ичилса, овқат ҳазм қилишдаги муаммолар йўқолади.

Модда алмашинуви жараёни бузилганда ҳам помидор истеъмол қилинса, у ўзининг шифобахш хусусиятлари билан модда алмашинувидаги иллатларни ва организмда туз йиғилишини бартараф этади. Артериал қон босимини меъёрга келтириш учун бир стакан томат шарбати кифоя. Кашандалар учун айниқса помидорнинг фойдаси катта. Уни мунтазам истеъмол қилиш никотин смолалари ва заҳарли токсин моддаларини парчалаб, уларни ҳатто ўпкадан чиқариб юборишга ёрдам беради.

Помидорда антиоксидант лейкопин моддаси мавжуд бўлиб, у ўзининг шифобахшлиги билан витамин Е дан юз баробар кучли. Шу боис ундан саратон касаллигининг олдини олишда фойдаланилади. Помидор қайнатиб пиширилганида, унинг шифобахш хусусиятлари янада ошади. Масалан, томат пастасида помидор шарбатига қараганда кўп миқдорда лейкопин моддаси мавжуд.

Озиқ-овқат аллергияси билан оғриган кишилар помидорни овқатланиш рационидан чиқаргани маъқул. Чунки у таом билан қўшиб истеъмол қилинганда бундай хасталик кучаяди, холос. Шунингдек, артрит (бўғин оғриғи)да, бўғин ва тўқималар касаллигида, ўт пуфаги ва буйракда тош пайдо бўлиши билан боғлиқ хасталиклар билан оғриган кишилар ҳам ундан ўзларини тийишлари зарур. Акс ҳолда помидор буйракдаги тошларнинг катталашишига сабаб бўлиши мумкин.

РЕКЛАМА

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
"Асака" банк
2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили
муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли
янги омонат турини таклиф этади:

"МАНФААТЛИ-2017"
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

"Асака" банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Тадбир

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎЗАРО ФИКРЛАШДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари, босма нашрлар масъуллари, ёш журналистлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги мавжуд муаммолар, хусусан, ёш журналистлар фаолиятида дуч келинаётган гов ва тўсиқлар ҳақида фикрлашилди.

Тадбирда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётгани, бу ўз навбатида, соҳа ходимларидан янада масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этаётгани алоҳида таъкидланди.

— Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табригида эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда гов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби ва ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман, дея таъкидлади, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов. — Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият ва вазифа нималардан иборат эканлигини яна бир бор яққол намоён қилди.

Тадбирда тажрибали журналистлар томонидан соҳани янада ривожлантириш ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ёш мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Д. РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

- Панда (бамбук айиғи)нинг хитойча номланиши — сюнмао ("мушук-айиқ"), лотинча номланиши — Ailuropoda melanoleuca эса ("мушукпанжа оқ-қора"), маъносини англатади.
- Панданинг узунлиги — 1,5 метр, оғирлиги 100-150 килограмм келади.

БЕШ БОСҚИЧЛИ МЕГАЙЎЛ

Хитойнинг Сичуань провинциясидаги Чунцин шаҳрида дунёдаги энг мураккаб транспорт йўли барпо этилди. Бу ҳақда motor.ru хабар тарқатган.

У саккиз йўналиш, беш босқич ва 20 осма кўприкдан иборат. Йўл қурилиши 2009 йилда бошланиб, яқинда ўз

ниҳоясига етказилди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг сўзларига қараганда, автомобиль ҳайдовчиларида тўғри йўналиш танлаш билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Ҳайдовчи керакли бурилишни ўтказиб юборган тақдирда ҳам, тўғри йўналишга тушиб олиши учун 500 метрдан бир километргача масофани босиб ўтишига тўғри келади. Йўлда барча йўналишни аниқ акс эттирадиган навигацион тизимлар синовдан ўтказилди.

Йўл ўтказгич қурилиши тўлиқ якунланган бўлса-да, лекин унинг қачон ишга туширилиши ҳозирча маълум эмас.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 716, Адади — 5170. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Исломжон ҚУЧҚОРОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.25. Топширилди — 21.50.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456